

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Ижтимоий-иқтисодий факультет**

Тарих кафедраси

**5120300 - тарих йўналиши
43-12 гуруҳ битирувчи талабаси**

Жиянбоев Сардорбек Олим ўғлининг

«Ҳозирги кунда “Одам савдоси” ва уни олдини олиш чора-тадбирлари»

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Раҳбар: катта ўқитувчи
Абдушукурова И.Қ.**

Гулистон - 2016

РЕЖА

Кириш

Адабиётлар таҳлили

I-БОБ. ОДАМ САВДОСИ – XXI АСР МУАММОСИ

1.1. Огоҳ бўлинг – одам савдоси!

1.2. Муҳожирлик, миграция ва одам савдоси: халқаро тажриба ва Ўзбекистондаги аҳвол

II-БОБ. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

2.1. Одам савдоси олдини олиш ва унга қарши курашда ННТларнинг фаолияти

2.2. Одам савдосига қарши курашда халқаро ҳамкорлик

III-БОБ. ҲОЗИРГИ КУНДА “ОДАМ САВДОСИ” ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

3.1. Одам савдоси олдини олишда оиланинг ўрни

3.2. Ёшлар тарбияси ва одам савдоси

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунга келиб халқаро терроризм, наркотраффик ва одам савдоси сингари трансмиллий жинойтларнинг инсон хавфсизлигига хуруж қилаётгани боис, улардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликини ташкил этаётир. Худуд ва чегара билмайдиган бу жинойтларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда. Улар орасида айниқса, одам савдосидек оғир жинойт инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч кўринишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Инсон тирик мавжудотлар орасида ақл-идрок берилган онгли мавжудот бўлиб, у ўтган замонларда ҳам озод ва эркин яшашга ҳаракат қилган. Уни эркидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги дунё ҳамжамияти томонидан тасдиқланган қонунларда ҳам белгилаб қўйилган. Бироқ, бугунги кунда дунё бўйлаб одам савдосидай ўта хавфли иллатнинг кенг тарқалиши инсон шахси, шаъни, қадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таҳдид туғдирмоқда. Бу билан боғлиқ жинойтлар жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвиш ва хавотирга солаётгани айна ҳақиқат. Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, бу жинойтга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда.

Одам савдосига қарши курашиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг Европадан Америка ва Шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда аёлларни Европага сотиш ҳодисаси кузатилган. Бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилиб, "Оқ қуллар савдосига қарши кураш" номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ ушбу конвенция "Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш" ва

"Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш" номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдоси муаммосига қарши курашишнинг кейинги тарихий жараёнлари секин-аста ривожланиб, 1948 йилда "Инсон ҳуқуқлари" умумжаҳон Декларацияси қабул қилинган. Шундан сўнг "Инсон ҳуқуқларининг Европа Конвенцияси", "Қуллик хусусида"ги Конвенция, "Қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида"ги қўшимча Конвенция, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, "Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши тўғрисида"ги Конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланила бошланди.¹

Айни пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу турдаги жиноят дунё миқёсида кенг тарқалмоқда. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий ҳулосаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларни ташкил қилмоқда. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил қилмоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чоратадбирлар амалга оширилиб келиняпти. Шу билан бирга, одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фохишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам

¹ Сатторов Ж. Одам савдоси- инсон эркинлигига таъдид. // Нуқуқ. 27.03.2014

ратификация қилинди. Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосининг хавfli кўринишларига қарши кураш ҳақида бир қатор шартнома ва келишувлар имзоланди¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилнинг 17 апрелидаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда одам савдоси жиноятига қарши курашишнинг миллий қонунчилик асосларини яратиб берди. Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилди ва ҳозирги кунда комиссия томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилиб келинаёпти. Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъминланмоқда.²

Бугун юртимизда амалга оширилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг марказида инсон турибди. Ислохот ислохот учун эмас, инсон манфаатлари учун, қабилидаги иборанинг амалиётга татбиқ этилгани ҳам

¹ <http://www.huquq-gazeta.uz>

² Сатторов Ж. Одам савдоси- инсон эркинлигига таъдид. // Ҳуқуқ. 27.03.2014

бежиз эмас. Буни Юртбошимизнинг "Бизнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборат. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади"¹, деган фикрлари ҳам исботлаб турибди.

Хуллас, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорликни талаб этади. Зеро, одам савдоси, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ғайриқонуний равишда айнан инсон томонидан камситилиши кечириб бўлмас жиноятдир. Одам савдосининг трансмиллий, халқаро миқёсдаги муаммо эканлиги бир қатор мақолаларда акс эттирилган бўлса-да, бу муаммо махсус тадқиқ этилмагани боис, одам савдосининг кўринишлари, жаҳонда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам муаммога айланганлиги, унга қарши курашнинг турлари ва аҳамиятини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Демак, бу мавзунини атрофлича ёритиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади одам савдоси масаласига оид қарашларни таҳлил қилиш, уни тугатиш борасида бутунжаҳон миқёсида қабул қилинган чора-тадбирлар, Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашнинг аҳволи, хусусан, “Истиқболли авлод” ЁАММ, ҳуқуқ тартибот органлари ва хотин қизлар кўмиталарининг бу борадаги фаолиятларини баҳолашдан иборат бўлиб, ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни кўйдик:

- одам савдоси умумжаҳон миқёсидаги муаммо эканлигини очиб бериш;

¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. // Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабрь.

- одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчилик эканлигини асослаб бериш;

- одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш;

- Ўзбекистонда одам савдоси бўйича аҳволни аниқлаш ва тавсифлаш;

- Ўзбекистонда одам савдоси олдини олиш ва унга қарши кураш самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш;

- одам савдосига қарши курашда халқаро ҳамкорлик йўналишларини очиб бериш.

Ишнинг объекти. Ишнинг объекти бўлиб одам савдоси, унга қарши кураш йўллари хизмат қилди. Ишнинг предмети сифатида одам савдосини олдини олиш чора-тадбирлари бўлиб, бу борада республикамиздаги ҳуқуқ тартибот органлари, ННТ фаолияти ўрганиб чиқилди ва умумлаштирилди.

Ишнинг фарази. Одам савдоси жинояти трансмиллий характерга эга экани боис унинг олдини олиш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш учун, аввало, фуқароларни огоҳликка ундовчи, ноқонуний йўллар билан хорижга чиқишнинг салбий оқибатларини намоён этувчи ҳаётий мисолларни жиддий таҳлиллар асосида ОАВда тарғиб қилишни кучайтириш лозим. Одам савдоси жиноятдан, айниқса, аёллар ва болалар кўпроқ жабр кўраётганини эътиборга олган ҳолда, тарғибот ишларида аҳолининг барча қатламларини жалб этиш, хотин-қизлар ва ёшлар маънавияти, онгу тафаккурида тўғри қарашларни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини янада оширишга жиддий ёндашиш зарур.

Ишдаги янгиликлар. Битирув-малакавий ишда одам савдосига қарши кураш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлил қилинди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур БМИда келтирилган маълумотлардан ҳуқуқ асослари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, социология фанларидан машғулотларга тайёргарлик кўришда, рефератлар ёзишда,

шунингдек, ёшлар орасида “Қулликка рози бўлманг!”, “Одам савдоси – трансмиллий жиноят” ва бошқа тадбирларни ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Ишда қўлланилган усуллар. БМИда умумлаштириш, таҳлил усулларида фойдаланилди.

Ишнинг тузилиши. Мазкур битирув-малакавий иш Кириш, адабиётлар таҳлили, асосий қисмдаги 3 та боб, хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Мавзуга доир тақдимот тайёрланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, Президентимиз И.А.Каримовнинг бир қатор асарлари, нутқ ва маърузаларида трафикнинг, хусусан одам савдосининг бугунги даврнинг энг мудҳиш жиноятлардан бири, аср муаммоси эканлиги айтиб ўтилган. Бу борада мутасадди ташкилотлар, хусусан, ҳуқуқ тартибот органлари, хотин қизлар қўмиталари, ёшлар ташкилотлари, жу жумладан “Истиқболли авлод” ЁАММ ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотларининг асосий вазифаси одам савдоси ва бошқа трафикларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориши кераклиги асосий вазифа эканлигини кўрсатиб ўтганлар.¹ Одамлар савдоси ва унга қарши курашга оид ҳуқуқий норматив ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан чоп этирилган махсус тўпламда танишиш мумкин.² Умуман олганда, битирув-малакавий ишимиз

¹ Каримов И.А. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш – давр талаби // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ҳамжихатлик ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 350–351; Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 349–350; Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. // Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабрь.

² Одам савдосига қарши курашиш бўйича асосий ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар / Ўзбекистон Республикаси ИИВ, «Истиқболли авлод» маркази. – Т., 2009. – Б. 98–10

мавзусига оид махсус адабиётлар мавжуд эмас. Бироқ, Россиялик Т.Бакка, Л.Беляева, С.Журавлев, Д.Лебедевлар одамлар савдоси, унинг ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши, қулчилик, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган бир қатор китоблари ва мақолалари эълон қилинган¹. Бироқ уларда асосан Россиядаги аҳвол таҳлил қилинган. Ўзбекистондаги аҳвол эса газета ва журналлардаги ҳамда Интернетдаги мақолаларда ўз аксини топган. Адабиётларнинг камлиги туфайли биз асосан Интернетда келтирилган хабарлар, мақолалар, ахборотлар² асосида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, одамлар савдоси ва унинг оқибатлари, унга қарши кураш ва профилактика ишлари борасидаги айрим маълумотлар мутасадди ташкилотларнинг аҳоли орасида тарқатиладиган флаерларида келтирилган.³

¹ Бакка Т. Методические рекомендации к проведению в общеобразовательных учебных заведениях урока по предупреждению торговли людьми /Т. Бакка — М.: «К.И.С.», 2010. — 52 с.; Беляева Л.И. Проблемы уголовно-правовой оценки торговли людьми // Соблюдение прав и свобод личности в деятельности органов внутренних дел; Материалы научно-практического семинара (19—21 марта 2001 г.). М., 2001; Журавлев С.Ю. Взаимодействие государственных органов и негосударственных организаций в сфере борьбы с торговлей людьми и использованием рабского труда // Они тоже хотели счастья: Научно-методический сборник. Н.Новгород: Изд-во Волго-Вятской академии государственной службы, 2006. С. 49—59; Лебедев Д. В. Торговля женщинами с целью их сексуальной эксплуатации как вид организованной преступной деятельности// Права граждан, правоохранительная и правоприменительная деятельность с России и Украине: состояние и перспективы развития: Материалы международной научно-практической конференции адъюнктов, аспирантов и магистров. Вып. 1. Белгород, 2003; Основы борьбы с организованной преступностью. - М.: Инфра-М, 2004

² Машарипова Г., Абдуллаев Т. Одам савдоси –трансмиллий жиноят. // <http://fikir.uz/posts/>; Ғусейнова А. Фүқаролик институтлари фаолиятида аёллар масаласи. // www.huquqburch.uz; Шамсиева Д. Одам савдоси – мудқош жиноят.// <http://www.minjust.uz> Сатторов Ж. Одам савдоси- инсон эркинлигига тақдид. // http://www.greek.ru/immigration/news/news_detail.php?ID=3624; <http://www.kodeks.ru/noframe/kioz?d&nd=901949582>; <http://www.crime.vl.ru/index.php?p=1295&more=1&>; АШ Ғукумати Ғисоботлари (06/29/2011). http://uzbek.uzbekistan.usembassy.gov/tip2011_uz.html; <http://www.migratie.md/antitraffic/ru.html>; www.fikir.uz; www.huquqburch.uz; <http://www.huquq-gazeta.uz>; www.hidoyat.uz; www.sharx.uz; <http://www.minjust.uz>; www.xs.uz

³ ISTIQBOLLI AVLOD» Ёшлар ахборот-маърифат маркази флаерлари; Республика реабилитация маркази флаери; ИИБ флаери

I-БОБ. ОДАМ САВДОСИ – XXI АСР МУАММОСИ

1.1. Огоҳ бўлинг – одам савдоси!

Одам савдоси (траффикинг) – инсон эрки, номуси, кадр-қимматини таҳқирланишиги олиб келувчи жиддий ижтимоий муаммо бўлиб, инсоннинг асосий ҳуқуқлари: яшаш ва эркин ҳаракатланишини чекланиши, қийноқ ва азобларга солиниши хавфини юзага келтиради.

XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди.

Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бунинг натижасида мамлакатлараро миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгайди.

Ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам кузатилмоқда. Одам савдоси ҳам ана шундай жиноятлардан биридир.

Одам савдоси - инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда, бу мудҳиш иллат ноқонуний қурол

савдоси, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар, ушбу қоида 1948 йилда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Одам савдоси эса инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказди, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих қилмишлар мужассамдир.

Иккинчидан, одам савдоси жиноятчилар учун сердаромад манба бўлиб қолмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 млрд. АҚШ долларидан ошмоқда. Афсус билан таъкидлаш керакки, дунёда «одам савдоси» бозори ва унга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда¹.

Шу боис жиноий тузилмалар ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланишнинг турли йўллари кидириш, мақсадини амалга оширишни енгиллаштириш учун халқаро жиноий уюшмалар ташкил этиш, давлат хизматчиларини ўзларига оғдириш пайида бўладилар. Бу эса, трансмиллий уюшган жиноятчилик, коррупция каби хавфли иллатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлади.

Учинчидан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз «кирдикорлар»ини яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланаётган шахсларни имкон қадар эътибордан четда тутишга ҳаракат қиладилар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллар

¹ www.fikr.uz

билан олиб чиқишга, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбакилаштиришга уринадилар.

Бу ҳолат эса ноқонуний миграция салмоғининг ортишига, муайян давлат ҳудудига ноқонуний кириб келганлар сонининг ортиб, иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатишига, шунингдек, хорижга чиқиш ва муайян давлат ҳудудида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келади.

Тўртинчидан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида, уларнинг шахсига оид ҳужжатларни (паспорт, миграция карточкаси ва ҳ.к) ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимояси остида бўлган давлатнинг тегишли ваколатхоналарига мурожаат этишига тўсқинлик қиладилар.

Оқибатда бундай шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

Бешинчидан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўз хусусиятига кўра латент характерга эга. Чунки, одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар.

Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Шу боис, дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда.

Дунёда одам савдоси билан боғлиқ вазият таҳлили бу борадаги аҳволнинг ҳамон жиддийлигича қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 млн. 700 мингта шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 мингтагача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда¹.

Одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг МАҚСАДИ:

- Жабрланувчиларни шахвоний хизматлар эксплуатациясига жалб этиш
- Қул меҳнати ва хизматидан фойдаланиш ёки қўллаш
- Трансплантация учун тана аъзо ва тўқималарини ажратиб олиш
- Ноқонуний йўллар билан бола асраб олиш.



¹ www.albest.ru



Ким одам савдоси жабрланувчиси бўлиши мумкин? Албатта, фирибгарлар билан ўз ҳуқуқини биладиган, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммолардан ҳоли бўлган шахсларни тўқнаш келиши хавфи камроқ. Лекин, одам савдоси билан шуғулланувчилардан ҳамма бирдек: жинсий, миллати, ирқи, диний эътиқоди ва бошқалардан қатъий назар жабр кўриши мумкин.

Нима учун жабрланувчига айланадилар?

- Серҳашам ҳаёт тарзини ошкора намоиш қилиниши (ёшлар қандай йўл билан бўлса ҳам пул топиш илинжида бўлиши)
- Оилавий муносабатларни мустаҳкам ўрнатилмаганлиги ва оила аъзолари томонидан қўллаб-қувватланмаслик. Ижтимоий заиф групуҳлар орасида: меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, ноқобил-нотинч оилалар, қаровсиз қолганлар) кузатилиши
- Ижтимоий-иқтисодий жараён (ишсизлик, билим даражасининг пастлиги)
- Иш билан таъминланган эркакларга нисбатан иш билан таъминланган аёлларнинг сонини камлиги, шу сабабли аксарият ҳолларда аёллар муаммо билан тўқнаш хавфида бўлишади
- Ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилинмаслик ҳоллари (вояга етмаганларга нисбатан шахвоний хатти-ҳаракатларни содир этилиши одатий ҳолга айланиб бораётганлиги)

Одам савдоси жабрланувчисига айланмаслик учун нима қилиш керак?

- Танишларингиз ёки тасодифан учраган одамларнинг чет элда ишлаш, ўқиш ёки оила қуриш тўғрисидаги қизиқтирувчи таклифларидан ўзингизни четга олинг. Ҳужжатларингизни ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч кимга берманг!
- Қийинчиликларсиз тезлик билан топиладиган ойлик маош, иш ҳаққи ва даромад ҳақидаги ваъдалар одатда ҳақиқатга тўғри келмаслигига эътибор қаратинг!
- Қизиқиб кўринг: Сизга чет элга боришни таклиф қилаётган ташкилот ёки фирма, улар билан ҳамкорлик қилувчи маҳаллий вакиллар (сайёҳлик, никоҳ, иш билан таъминловчи, ўқишни ташкиллаштирувчи) қонуний фаолият юритишадими? Сизга ўз таклифини билдирган фирма ёки ташкилот ҳақидан интернетдан маълумот олинг.

“Истиқболли авлод” Ёшлар ахборот-маърифат маркази флаерида чет элда ишлаш ёки ўқиш ниятида бўлганларга қуйидагилар тавсия қилинади:

- Сизга ўқиш ёки иш таклиф этаётган фирма ёки ташкилот билан шартномани белгиланган давлатга боришдан олдин, ўз давлатингизда имзоланг;

- Сизга чет элда ўқиш ёки ишлаш бўйича хизматларини таклиф қилган фирма ёки агентликни қонуний ишлашига ишонч ҳосил қилиш учун тегишли лицензия ва сертификатда улар томондан кўрсатиладиган хизмат турларига аҳамият беринг. Лицензия ёки сертификатнинг асл нусхаси кўринарли жойга жойлаштирилган ва бир нусхада бўлиши зарур;

- Шартнома шартлари Сизга тушунарли тилда ва тартибда тузилган бўлиши зарур. Шартномада фирма ёки агентликнинг тўлиқ номи, жойлашган манзили, телефон рақамлари, банк реквизитлари, иш берувчи ёки ўртадаги воситачининг фамилияси, исми, шарифи, паспорт маълумотлари, тўлиқ кўрсатилган бўлиши шарт;

- 2 та (иккита) шартнома 2 (икки) нусхада имзоланиши зарур;

- Биринчиси – Сизни иш билан таъминлаётган фирма билан;

- Иккинчиси – Сизни белгиланган давлатда ишга қабул қилиш мажбуриятини олаётган иш берувчи билан;

- Шартномани имзолашга шошилманг, мутахассислар билан маслаҳатлашинг, ҳар бир банди билан мукамал танишиб чиқинг;

- Сизга таклиф қилинаётган иш (ўқиш) шарт-шароитларига алоҳида эътибор беринг: иш жойи, вақти, ойлик маоши: меҳнат ҳаққи қанча, қачон ва қай тартибда берилиши аниқ кўрсатилган ва изоҳланган бўлиши зарур.

Эътибор беринг, тиббий хизмат ёки суғурта, яшаш шарт-шароитлари, озиқ-овқат тақсимоти ва бошқалар ҳам киритилганми?

- Агар шартнома шартлари Сизни қониқтирмаса, имзоланишни рад этинг. Ўз шартларингизни киритилишини ва ўзгартиришни таклиф қилинг;

- о Шартнома фирма ёки агентлик директори томонидан имзоланганлигига аҳамият беринг. Агар шартнома ижрочи ходимлар, масалан директор ўринбосари ёки бошқа ходимлар томонидан имзоланган бўлса, имзо қўйиш ҳуқуқини берувчи қарор ёки ишончномани (нотариал тасдиқланган) кўрсатишларини сўранг;
- о Сиз имзо қўйган шартнома ва бошқа ҳужжатларингиз нусхасини яқинларингизда қолдиришингиз зарурлигини ёдингизда тутинг;
- о Чет давлатларда фақатгина меҳнат визаси ишлаш ҳуқуқини беради, сайёҳлик визаси билан белгиланган давлатга бориб ноқонуний ишлашга розилик берманг;
- о Ўзингиз билан паспорт, билет ва бошқа ҳужжатларнинг нусхасини олинг ва асл ҳужжатлардан алоҳида жойга яшириб қўйинг. Яқинларингизда чет элдаги иш ва яшаш жойингиз, иш берувчи, корхона ёки ташкилот раҳбари ҳақидаги тўлиқ маълумотларни қолдиринг;
- Шунингдек, бирор хавфга тўқнаш келсангиз бу ҳақида яқинларинингиз хабар бера олишингиз учун бирор оддий ва содда сўзни келишиб олинг (фавқулодда вазиятларга тўқнаш келсангиз, масалан ўғирлик, мажбуран ушлаб туриш ва бошқалар), бу телефон орқали гаплашаётганингизда кимдир назорат қилиб турган бўлса ёрдам беради;
- о Эътиборингизни қаратинг Сизга ваъда қилинаётган ойлик маош бажаришингиз керак бўлган ишга мос келадими, ҳаддан зиёд кўп тўлашни ваъда қилишмаяптими;
- о Йўл ҳаражатлари, яшаш, озиқ-овқат ва бошқа ҳаражатлар учун ўша жойда ёки кейинчалик ойлик маошингиздан ҳисоб-китоб қилиниши тўғрисидаги таклифга розилик берманг;
- о Қуйидаги эълонларга диққат қилинг ва улардан эҳтиёт бўлинг: “Официантка, раққоса ва бошқа ишларга қабул қиламиз. Тажриба ва малака талаб қилинмайди. Йўл ҳаражатлари, яшаш ва кундалик ҳаражатлар иш берувчи томонидан қопланади”; “Катта маош тўланадиган ишларга қабул

қиламиз”. Бу каби эълонларда телефон рақамидан бошқа маълумот бўлмайдди, иш таклиф қилувчи фирма ёки агентлик тўғрисидаги маълумот кўрсатилмайдди.¹

Шуни эсда тутиш керакки, ҳар қандай қийин вазиятдан чиқишнинг имкони бор.

Одам савдоси билан боғлиқ ҳолатга тўқнаш келганлар биринчи навбатда реабилитация ёрдамига эҳтиёж бўладилар. Уларга:

- *Психологик*
- *Тиббий*
- *Ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши зарур.*

Жабрланувчиларни келгусида реинтеграция жараёнида қўллаб-қувватлашга қаратилган дастур, лойиҳа ва режалар амалга ошириб келинмоқда, касб-ҳунар билан таъминлаб, ишга жойлашишда кўмаклашилмоқда.

Одам савдоси - сайёрамиздаги барча миллат вакиларини ўйлантираётган глобал муаммодир.

Афсуски, у бизнинг диёримизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу боис инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг поймол этилиши билан боғлиқ трансмиллий жиноят ҳисобланган одам савдосига қарши кураш чоралари юртимизда кучайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг ушбу жиноий ҳолат билан боғлиқ моддаси такомиллаштирилди.

Давлатимиз томонидан одам савдосига қарши кураш ва жабрланганларни ҳимоя қилиш мақсадида бир неча халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Мамлакатимиз бу борадаги қатор конвенцияларга кўшилди. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-911-сонли 2008 йил 8 июль кунидаги “Одам савдосига

¹ <http://ia.uz/uz/ogoh-buling-odam-savdosi>

қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ одам савдосига қарши курашиш буйича Республика идоралараро комиссияси тузилди.

Мазкур муаммога қарши биргаликда ҳаракат қилиш, жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тегишли идора ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Айтиш керакки, одам савдоси жиноятига қарши курашиш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш натижасида мазкур жиноятдан жабрланган фуқароларнинг мутасадди шахс ва ташкилотларга мурожаат этиш ҳоллари фаоллашди.

Сўнги йиллар давомида республикада одам савдосидан жабрланган фуқаролар томонидан тушган аризалар асосида 300 дан ортиқ жиноят иши кўзғатилган. Жабрланганларнинг бир қисми шахвоний мақсадларда эксплуатация қилинган, аксарияти вилоятимиз ҳудудида одам савдосининг қурбони бўлган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, одам савдосининг қурбони бўлган фуқароларнинг кўпчилигини 25-30 ёшлардаги эркеклар ва 18-25 ёшдаги аёллар ташкил этмоқда. Ачинарлиси, одам савдоси билан боғлиқ жиноятни содир этганлар орасида аёлларимизнинг борлигидир¹.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ўрта ва кичик бизнеснинг барқарор тараққий этиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Албатта, бу имкониятлар замирида аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш каби эзгу ниятлар мужассам.

Кўпинча ҳаётда ўз ўрнини топмаган, бирор бир касб-ҳунарни эгалланмаган кишилар хорижга чиқиб ишлаш, қисқа фурсатда бойиб кетиш хаёлида бўлишади. Ваҳоланки, бирон-бир касбни пухта ўзлаштирмай туриб, осонликча пул топиш мумкин, деган ақидага ҳеч қачон таянмаслик

¹ <http://zaryasurxana.uz/?p=88>

лозим. Хорижга ишлашга чиқиш ҳам фуқаролардан маълум даражада тайёргарликни талаб этади.

Одам савдоси жинояти орқали тирикчилик қилишни кўзлаган товламачилар атрофдаги содда ва моддий жиҳатдан эҳтиёжманд бўлган кишиларнинг ишончига кириш орқали, уларни тез орада бойиб кетишига ишонтириб, ўз тузоқларига илинтирмоқда. Аччиқ бўлсада айтиш керакки, одамфурушликдан пул топиб, кун кечиришни одат этган жиноятчилар учун маҳалла-куйчилик, қон-қариндошчилик ришталарнинг сариқ чақалик аҳамияти қолмайди. Улар учун инсон-тирик товар, катта фойда келтирувчи савдо воситасига айланади. Ўз манфаати йўлида юртдошини, маҳалладоши, қон-қариндошини ҳам сотиб юбораётганлар борлиги ачинарли ҳол, албатта.

Одам савдоси жинояти замонавий қуллик шаклида аёллардан, айниқса, ёш қизлардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллаш, шахсларнинг жиноят қурбонига айланишидан ташқари, уларга кучли рухий жароҳат етказилаётгани билан ҳам хавфлидир.

Шерободлик Қизларгул (исм шарифи ўзгартирилган) муқаддам фоҳишахона ташкил этиш, шунгдек ғаразли ва бошқа паст ниятларда кўшмачилик қилиш жиноятларини содир этганлиги учун Жиноят Кодексининг тегишли моддасига асосан муқаддам судланган. Аммо бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, ҳеч қандай фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, такрор-такрор одам савдоси сирасига кирувчи жиноятларни содир этиб келган.

У ўзининг уйида “мижозлар”нинг жинсий алоқа қилишлари учун шарт-шароит яратиб, фоҳишахона ташкил этган. Бир нечта ёш қизларни ўзига иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб, ойлаб, ҳатто йиллаб ўз уйидан чиқармаган ва “мижозлар”нинг шахвоний мақсадларини қондиришда хизмат кўрсатишга ундаган.

Жиноятчи аёл қизларни мажбур қилиш орқали қарзларини узишга ундаб, ўз манфаати йўлида фойдаланган. Бу ҳаракатлари билан Қизларгул

фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш, кўшмачилик қилиш, одамлардан фойдаланиш учун икки ёки ундан ортиқ шахсни ёллаш, ўзига моддий жиҳатдан қарам бўлган жабрланувчиларни шахвоний хизматлар кўрсатишга мажбур қилиш, ҳатто бошқа тумандаги кўшмачилар билан ўзаро жиноий тил бириктириб қизларни бир-бирига сотиш ва ишлатиш, бировни зўрлаб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш каби жиноятларни содир этган.¹

Одам савдоси жиноятдан азият чекан фуқароларнинг вақтида ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилмасликлари, ҳуқуқий билим савиясининг паст бўлиши жиноятчилар томонидан ноқонуний фаолиятларини бемалол давом эттиришларида қўл келмоқда.

Бундай вазиятларнинг олдини олиш учун, аввало, аҳолининг ҳуқуқий онги юқори бўлиши талаб этилади.

Шунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, одам савдоси жиноятининг қурбони бўлиб қолишларининг олдини олиш мақсадида жойларда маҳалла фаоллари, халқ таълими ходимлари, “Истиқболли авлод” ёшлар ахборот-маърифий маркази вакиллари иштирокида мунтазам равишда суҳбат ва учрашувлар ўтказиб борилмоқда. Бу ишда оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси ҳам катта бўлмоқда.

1.2. Муҳожирлик, миграция ва одам савдоси: халқаро тажриба ва Ўзбекистондаги аҳвол

Миграция, яъни фуқароларнинг ўз юртидан бошқа мамлакатларга ишлаш ёки доимий яшаш мақсадида кўчиб кетишига муаммо, фожеа сифатида қараш унча ҳам тўғри эмас. Миграция, албатта, бир томондан катта муаммо эканлигини инкор этиб этиб бўлмайди. Лекин шу билан бирга у муаммонинг ечиш йўллари билан бири ҳамдир.

¹ <http://zaryasurxana.uz/?p=88>

Халқаро муҳожирлик ташкилотли (ХМТ) нинг маъмуотларига қараганда, дунё бўйича ўзи фуқаро бўлган мамлакатдан ташқарида истиқомат этувчилар сони 125 миллион кишини ташкил этади. Шу йилнинг ёзида АҚШ Давлат департаментининг матбуотда эълон қилинган маърузасида кўрсатилишича, дунёда 800 минг нафар нолегал муҳожир мавжуд бўлиб, улар амалда қуллик шароитида ишлашга мажбур бўлишмоқда. Улар одам савдоси каби глобаллик касб этиб бораётган муаммонинг қурбонларидир.

Дарҳақиқат, одам савдоси фақат ривожланаётган мамлакатлар учунгина хос бўлиб қолмасдан, балки бутунжаҳон характериға эға. Шу сабабдан ҳам, БМТ Бош Ассамблеяси 2003 йилнинг ноябр ойида Халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенциясини тўлдирувчи “Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга барҳам бериш ҳамда унинг учун жазо тайинлаш тўғрисида протокол” номли махсус резолюция қабул қилган эди.

Ўз таркибида жаҳоннинг 181 та мамлакатини бирлаштириб турган Интерпол тизимида ҳам одам савдоси олдини олиш бўлими тузилганлиги муаммонинг нақадар жиддийлигига яна бир далолатдир. Ушбу бўлим терговчиси Клер Мак Кеон ўтган йилнинг ноябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган семинарда сўзга чиқиб, одам савдоси чегара билмаслигини, унга қарши курашиш кучларни бирлаштиришни талаб этишини таъкидлади. У 2000 йилда Интерпол таркибида аёллар савдоси масаласи бўйича экспертлар гуруҳи ташкил этилганлигини уқтирди. Клернинг мақсади мавжуд муаммони ечиш борасида турли давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари кучларини бирлаштириш, иллатга қарши курашишнинг энг мақбул йўлларини аниқлаш ҳамда тажриба алмашинишдан иборат. Янги тузилма полиция ходимлари учун аёллар савдоси ҳолатларини тергов қилиш ва очиш масалалари ёритилган қўлланма ишлаб чиқиб, Интерпол аъзолари бўлган давлатларга тарқатган.

Клер Мак Кеон сўзларига қараганда, одам савдоси билан шуғулланувчи жинойтчилар гуруҳи одатда 2-3 кишидан иборат бўлади. Жинойтчиларнинг 80 фоизини эркаклар, 20 фоизини эса аёллар ташкил этади. Одам ёллаш ва чет элга юбориш билан бир киши, кўпинча аёллар шуғуллангани ҳотлатлари мавжуд.

Одам савдоси муаммосини ҳал этиш йўлида ҳуқуқ-тартибот органлари давлат ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлари (ННТ) ва одам савдоси қурбонларига кўмаклашувчи уюшмалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишларини Интерпол ўта муҳим ҳисоблайди. Ушбу тажриба хорижда қандай йўлга қўйилганлигини айрим давлатлар мисолида кўриб чиқамиз.

Юқорида тилга олиб ўтилган семинарда сўзга чиққан Ҳиндистондаги “Сванчетан” жамиятининг раҳбари доктор Ражат Митра ўз мамлакатининг учдан икки қисми одам савдосига тортилганлигини қайд этди. Кўплаб муҳожирлар яшайдиган катта шаҳарларда дом-дараксиз йўқолаётган аёлларнинг сони бир полиция участкаси ҳисобига бир йилда 60 кишини ташкил этар экан.

Аҳолига руҳий ёрдам кўрсатувчи “Сванчетан” жамияти давлатдан ёки ҳуқуқ-тартибот органларидан моддий ёрдам олмасдан ишларкан. “Шу йўл билан биз ўз мустақиллигимизни сақлаб қоламиз, — деди ўз фикрини шарҳлаб доктор Мита. — Бизга тадбиркорлар ёрдам беришади. Улар жинойтларнинг очилиши кўпайса, ҳуқуқбузарлик камайиши, бу эса аҳволнинг яхшиланишига ва чет эл инвестициясининг кўпайишига олиб келишини яхши англашади”.

Одам савдоси қурбонларига амалий ёрдам кўрсатиш борасида Исроил давлатида ҳам ижобий тажриба тўпланган. Бу йўналишда самарали ишлаётган ва мамлакатимиз ташкилотлари билан ҳамкорлик қилаётган “Аёл аёл учун” ННТни қайд этиш лозим. Ушбу ташкилот биринчилардан бўлиб одам савдоси қурбонларини бошпана билан таъминлашни йўлга қўйган. Унинг ходимлари қурбонлар сақланаётган қамоқхоналарга бориб, уларга ўз

мамлакатларининг элчихоналари билан алоқа ўрнатишга, керакли ҳужжатлар тайёрлашга ёрдам кўрсатишмоқда. Кейинги икки йил ичида 200 нафар аёлга ёрдам қилинган. Бундай ёрдам олганлар орасида мамлакатимиз фуқаролари ҳам бор. “Аёл аёл учун” ташкилотининг маслаҳатчиси Клавдия Маркова шу йил Тошкентда бўлган учрашувимиз давомида ана шулар ҳақида гапириб, Исроилдаги яна бир диққатга молик тажрибани тилга олиб ўтди. Унинг гапига қараганда, бу мамлакатда 2000 йилдан бошлаб одам савдоси масаласи билан шуғулланувчи парламент комиссияси ишлаётган экан.

Хорижнинг бошқа бир тажрибаси муҳожирлик қонуний йўлга қўйилса, у ижобий натижалар бериши мумкинлиги яққол кўрсатиб турибди. Бу ҳақда Халқаро муҳожирлик ташкилотининг Алматидаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Чантс “Ўзбекистонда одам савдоси олдини олиш” лойиҳасининг бир йиллиги муносабати билан Тошкентда ўтган йилнинг 12 ноябр куни ўтказилган матбуот анжуманида Филиппин мисолида батафсил сўз юритди. Унинг уқтиришича, ҳар йили бу мамлакатдан 900 минг киши чет элга ишга кетаркан. Улар Филиппин иқтисодиётига бир йилда 7 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритаётган экан.

Шуниси характерлики, бу давлатда чет элга ишга юбориш билан хусусий агентликлар шуғулланади. Ҳар куни агентликлар эшигини қоқиб, 2 минггача одам мурожаат этади. Чет элга ишга жўнаётган одамга суғурта пули берилиб, у ижтимоий ҳимояга олинади. Филиппиннинг хориждаги элчихонларида ўша мамлакатларда ишлаётган ватандошларига ёрдам кўрсатиш учун махсус ходим — меҳнат бўйича атташе фаолият юритаётгани ҳам диққатга молик. Мамлакат президенти муҳожирларни юрт қаҳрамонлари деб аташини уқтирди М. Чантс.¹

Муҳожирликни қонуний йўлга қўйиш нақадар фойдали эканлигини тасдиқловчи яна бир рақам келтирмоқчи эдик. 2002 йилда муҳожирлар ўз мамлакатларига 88 миллиард доллардан кўпроқ миқдорда маблағ

¹ www.xs.uz

киритишган. Тараққий этган давлатларнинг ривожланаётган мамлакатларга ёрдам сифатида ажратаётган маблағи бир йилда 57 миллиард долларни ташкил этаётганлигини инобатга олсак, юқоридаги маблағ қанчалик салмоқли эканлиги яққол намоён бўлади. Маблағ масаланинг бир томони. Бошқа яна бир муҳим жиҳат шундаки, чет элда ишлаганлар замонавий техника ва технологияларни ўзлаштиришади, янги тажриба орттиришади, ўз малакаларини оширишади. Уларнинг аксарияти ёки бир қисми ўз юртларига қайтганда, ўша тажрибадан фойдаланиши ва бу мамлакат ривожини учун хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистонда кейинги икки йил мобайнида одам савдоси олдини олишга қаратилган қатор амалий тадбирларга қўл урилди. Юқорида тилга олиб ўтилган АҚШ Давлат департаментининг маърузасида ноқонуний муҳожирликка қарши кураш олиб бораётган давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам тилга олинган. Бу борада зарурий чоралар кўрмаётган 10 та мамлакатга қарши санкция жорий этилиши маълум қилинган.

Бизда ҳам замонавий қулик кўринишларидан бири бўлган одам савдоси ҳақида очик сўз юритилиб, унга қарши курашда турли ташкилотлар ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари бошланди. Оммавий ахборот воситаларида муаммонинг турли жиҳатлари ёритилган материаллар эълон қилина бошлади. Давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги одам савдоси қурбонларидан айримларининг Ватанимизга қайтаришга, хорижда ишлаш илжинида бўлганлар орасида профилактика ишларини кучайтиришга имкон яратди. Бу борадаги муҳим қадамлардан бири БМТнинг Халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенциясининг Ўзбекистон томонидан ўтган йилнинг август ойида ратификация этилгани бўлди.

Айни пайтда одам савдоси олдини олиш йўлида Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ ҳамда қатор

халқаро ташкилотлар биргаликда ҳаракат қилмоқда. Бу ҳамкорликка мисол тариқасида юқорида тилга олиб ўтилган вазирликлар, БМТнинг Тараққиёт дастури, ХМТ томонидан АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) ҳомийлигида жорий йилнинг июн ойида ўтказилган миллий анжуманни кўрсатиш мумкин. Анжуманда давлат, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотларнинг одам савдосининг олдини олиш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш ва одам савдоси қурбонларини ҳимоя этиш борасида ҳаракат дастурини ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Яна бир халқаро ташкилот — Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ИИБ, Бош прокуратура, ННТ ва журналистлар иштирокида жорий йил давомида қатор семинар ва тренинглари ўтказди. Уларда турли ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракатлари хусусида, масалани ОАВда ёритиш ҳақида батафсил сўз юритилди. Ушбу учрашувлар давомида марказда амалга оширилаётган ишларни вилоятларда ҳам давом эттиришга келишиб олинди. Натижада жойларда ҳам муассасалараро комиссия ташкил этилди.

Масалан, Самарқандда вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, “Истиқболли авлод” ва “Аёл” нодавлат нотижорат ташкилотлари, Ўзбекистон Миллий матбуот маркази вилоят бўлими вакиллари билан иборат ана шундай комиссия тузилди. Унинг ҳар ойда бир марта ўтказилаётган йиғилишида вилоятда одам савдосининг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама этилмоқда. Йиғилишга вилоят таълим муассасаларидан, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан, маҳаллалардан вакиллар таклиф этилмоқда. Ёшлар орасида бўлиб, маҳаллаларга чиқиб, хорижга яширинча ишга бориш ниятида бўлганларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда.¹

¹ <http://uza.uz/oz/society>

Мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб, “Истикболли авлод” ёшлар ахборот-маърифий маркази фаолиятига алоҳида тўхталиш лозим. ХМТнинг “Ўзбекистонда одам савдосига қарши ҳаракат” лойиҳаси доирасида 8 та вилоятда ана шундай марказ тузилиб, улар ҳузурида тезкор алоқа телефон тармоғи ишлаб турибди. Лойиҳа раҳбари Нодира Каримованинг уқтиришича, бир йил давомида фуқаролар тармоққа 8383 марта қўнғироқ қилишган. Айримлар хорижда ишлаш тартиби ҳақида сўраган бўлса, бошқалар яқин одамани қидириб топишга ёрдам беришларини, яна биров чет эл мамлакатларидан бирида камокқа тушган қариндошига ёрдам кўрсатишини сўраб мурожаат этган.

Лойиҳа давом этган бир йил (2003 йилнинг ноябридан 2004 йил ноябригача) мобайнида одам савдосининг 179 “қурбони”ни Ватанимизга қайтаришга ёрдам кўрсатилди. Лойиҳа доирасида қанчалик самарали иш олиб борилаётганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун қуйидаги рақамларни қиёслаш мумкин. 2002 йилда фақат 2 нафар, 2003 йилда эса 60 нафар одам савдоси “қурбони” қайтарилган эди. Уларнинг энг кўпини (122 киши) Исроил давлатидан қайтарилганлар ташкил этади.

Муаммонинг ечими хусусида айрим мулоҳазаларни келтирмакчимиз. 2000-2015 йиллар ва 2016 йил биринчи ярмидаги ҳужжатлар, ҳисоботлар, Интернет материаллари, газета мақолалари билан танишиш шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти, Қашқадарё вилояти, Самарқанд шаҳри, Сурхондарё вилоятларида одам савдосига қарши кураш ва уни олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Дастлабки пайтда, яъни ўтган йили ва жорий йилнинг биринчи ярми давомида одам савдосига боғлиқ муаммо билан турли соҳа мутахассислари ва журналистлар таништириб борилди. Масала моҳиятини давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари вакиллари чуқур англаб олгандан сўнг муаммони ечиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди. Улар ҳамкорлигида бир қатор ишлар бажарилди ҳам. Лекин бу ишлар одам

савдосининг олдини олиш ва унга қарши самарали кураш олиб бориш учун етарли эмаслигини, мамлакатимиз ҳали бу муаммони ечишнинг дастлабки босқичида турганлигини мутасаддилар яхши англашади.

ЕХХТ ва АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси 2015 йилнинг ноябр ойида прокуратура, милиция, ҳокимликлар, ННТ, ОАВ вакиллари иштирокида ўтказган семинарда дастлаб бажарилган ишлар сарҳисоб этилиб, шундан сўнг одам савдоси олдини олиш учун нималар қилиниши лозимлиги муҳокама этилди. Шунда турли фикрлар айтилди, таклифлар ўртага ташланди. Жумладан, янги иш ўринлари яратиш ҳамда касбга ўргатиш ва қайта ўргатиш ишларини тубдан такомиллаштириш одам савдоси олдини олишнинг энг муҳим омиллари сифатида қайд этилди.

Хориж тажрибасининг кўрсатишича, чет элга ишга юбориш ҳуқуқини хусусий агентликларга ҳам бериш зарур. Уларнинг кўпайиши, улар орасида рақобатнинг кучайиши ва улар устидан давлат назоратининг бўлиши агентликлар фаолиятининг самарали бўлишини таъминлайди.

Яна бир муҳим вазифа одам савдосига дахлдор жиноятларга тегишли жазо чораларини белгилаш билан боғлиқ. Хорижга аёлларни юбораётганлар, бошқача айтганда, кўшмачилар одатда аёллар эканлиги уларни жазодан сақлаб қолмоқда. Мутахассислар ҳар йили эълон қилинаётган амнистия туфайли кўшмачи аёллар жазодан қутулиб қолишаётганини уқтиришмоқда.

Самарқанддаги “Аёл” маркази адвокати Нигина Рустамова бу хусусда қуйидаги аниқ мисолни келтирди. З. Шарипова ва Г. Ризаева исмли икки аёл Мунаввар ва Нилуфар деган қизлар номига Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) га бориш ҳуқуқини берувчи қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, уларга Москва шаҳридаги ресторанлардан бирида ишга жойлаштиришга ваъда беришади. Тошкент аэропортидан жўнаётганда уларнинг визаси қалбаки эканлиги маълум бўлади. Шундан кейин икки марта қилинган бошқа ҳаракатлари ҳам зое кетгач, корчалонлар қизларни Қирғизистоннинг Ўш шаҳри орқали БААга чиқаришга муваффақ бўлишади.

Дубайга етиб келгач, қизларнинг паспортларини олиб қўйиб, уларни ўз танасини сотишга мажбур қилишади. Олти ой давомида қизлар ишлаган 10 минг доллардан ортиқроқ пулни Г. Ризаева ўзига қолдиради. Кейинчалик у ўз ҳамтовоғи билан жазога тортилади. Суд Шариповани олти йилга, Ризаевани тўрт йилга озодликдан маҳрум қилади. Лекин ҳар иккаласига нисбатан амнистия қўлланилиб, улар жазони ўташдан озод этилади.¹

Мутахассислар, шунингдек, Жиноят кодексига одамлар савдоси ҳақидаги алоҳида модда киритиш, қонунчилигимизни “одам савдоси”, “одам савдоси қурбони”, “одам савдоси ташкилотчиси” каби атамалар билан тўлдиришни таклиф этишмоқда.

Яна ОАВ орқали тарғибот ишларини кучайтириш, айниқса, телевидениэ орқали ижтимоий роликлар намойиш этиш таклифи ўртага ташланди. Бу ишлар шундай йўлга қўйилиши лозимки, ҳам мутасадди ташкилотлар ходимларида, ҳам оддий фуқароларда хорижга бориб алданганларга нисбатан одам савдоси қурбони сифатида қараш шаклланиб бориши зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, уларга ёрдам бериш чоралари ҳам кўрилиши бу иллатга қарши туришнинг омилларидан бири саналади.

Халқимизда камига ёки нақдига қаноат қилиш ҳақида кўплаб мақоллар мавжуд. Одам савдоси “қурбон”лари ҳақида гап кетганда, айримлар шундай мақолларни тилга олишади: “Узоқнинг донидан — яқиннинг сомони яхши”, “Узоқнинг узунидан — яқиннинг калтаси яхши”, “Насия тилладан — нақд чақа яхши”, “Кўкдаги турнадан — қўлдаги чумчуқ яхши”... Албатта, халқ даҳоси буюк. Ҳар бир мақол остида олам-олам маъно бор. Шу билан бирга, одам савдоси “қурбон”ларига уларни такрорлаш билан кўп нарсага эришолмаймиз. Ушбу муаммога сабаб бўлувчи омилларни аниқлаб, уларни тугатиш йўлларини топишимиз зарур.

¹ Раҳматуллаев Т. Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши...ми?// “Хуррият” газетаси.2005-йил, 23-феврал сони

2-боб. Одам савдосига қарши курашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни

2.1. Одам савдосини олдини олиш ва унга қарши кураш борасида ННТ фаолияти

Ўзбекистон Республикаси инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бормоқда. Ушбу олижаноб, аммо, мураккаб вазифани амалга ошириш Республикамизда яшовчи ҳар бир кишидан ижтимоий фаол бўлишни, эркин ва фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан барпо этиш учун фидойилик кўрсатиб яшаш ва меҳнат қилишни талаб этади. Демократик тараққиёт кун тартибига қўяётган мазкур талаб хотин-қизларга ҳам бевосита тааллуқлидир. «Бугун маърифий дунёда, – деб таъкидлайди Республикамиз Президенти И. А. Каримов, – хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ»¹.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳисобланади. Ушбу ташкилот 1993 йилда ташкил топган. Бугунги маълумотларга кўра, ташкилотда 35 мингга яқин аъзо бор.

«Қўмитанинг асосий вазифаси – аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқий маданияти ва савиясини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, болалик ва оналикни муҳофазалаш, кам

¹ Каримов И.А. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш – давр талаби // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўамжиўатлик ва ўатгий иродамизга боўлиў. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 350–351.

таъминланган ва кўп болали оилалар, ногирон аёллар ва болалар, ёлғиз кишилар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, тадбиркор аёлларни кўллаб-қувватлашдан иборат.

Хотин-қизлар кўмитаси ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда олиб боради:

– республикада ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларда аёлларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида бирлаштириш, ўтиш даврида аёлларни ижтимоий ва профессионал жиҳатдан ҳимоялаш, халқ хўжалигида аёлларнинг мавқеини кўтариш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни қабул қилишга тайёрлаш бўйича ишларда уларнинг иштирокини фаоллаштириш;

– оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёллар ва ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, давлат дастурларини амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотларига бевосита кўмаклашиш;

– халқаро аёллар ташкилотлари ўртасида алоқаларни кенгайтириш, сиёсат, маданият, фан, иқтисодиёт соҳаларида, шунингдек 1995 йил Пекиндаги IV Жаҳон Аёллар Конференциясида қабул қилинган «Тенглик, тинчлик ва тараққиёт учун» тадбирлар Платформасида белгиланган вазифаларни бажариш масалаларида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш»¹.

Кўриниб турибдики, Хотин-қизлар кўмитаси ўз олдига кенг миқёсдаги вазифаларни қўяди, улар ичида давлат ва жамият ишларини бошқаришга аёлларни жалб этиш асосий ўринда туради. «Бошқарув ишларига жалб этиш» деганда кўмита аъзоларининг ҳукуматнинг кундалик ташкилий ва бошқарув ишларига бевосита аралашishi, давлат идораларига тааллуқли вазифаларни ўз билганича ташкил этиши, волюнтаризм назарда тутилмайди, албатта.

«Ижтимоий-сиёсий фаоллик» ва «ижтимоий-сиёсий фаолият» кенг ва турфа хил ҳаёт, фаолият соҳаларини ўз ичига оладиган тушунчалардир. Улар

¹ Ўзбекистон аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари. Маълумотнома. – Т., 2000. – Б. 36.

нафақат ҳокимиятга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни балки жамият ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолият турларини ҳам ифодалайди. Демак, давлат ва жамият ҳаётини, ишларини ташкил этиш ва бошқаришга қаратилган фаолият турлари ижтимоий-сиёсий хусусиятга эгадир. Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Фармони юзасидан билдирган фикрларида ушбу масала атрофлича очиб берилган. И. А. Каримовнинг таъкидлашича, «Хотин-қизлар қўмитаси ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган тузилмадир. У хотин-қизларнинг жамоатчилик асосида тузиладиган бошланғич ташкилотлари орқали аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Агарки, биз эртанги кунимизни чуқурроқ тасаввур этадиган бўлсак, Хотин-қизлар қўмитасини фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш ҳақида ўйлашимиз зарур... Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси – бу давлатнинг вазифа-ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат. Биз ўз олдимизга қўйган кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаси мана шу ва шунга ўхшаш жараёнларда ўз ифодасини топиши зарур»¹.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар аёлларнинг ижтимоий-сиёсий онгига, маданиятига ўзига хос махсус тадбирлар орқали таъсир этади. Масалан, Тадбиркор аёллар ассоциациясининг бош вазифаси хотин-қизларни бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга, ўзининг бизнесини ташкил этишга ўргатишдир. Бу борада улар ўқишлар, тренинглар, менежемент сирларига

¹ Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ғамжиқатлигимиз ва ғатий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 349–350.

ўргатиш курслари, маслаҳатлар уюштиради, маҳаллий аёлларни чет эллик тадбиркор аёлларнинг бизнес фаолияти, ҳаёт тарзи, ишбилармонлик маданияти билан таништиради, уларда бухгалтерия, ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш, савдо-сотиқ ва харидорларни жалб этиш каби хислатларни шакллантиради. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик том маънодаги сиёсий фаолият эмас, аммо улар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларига, давлат ишлари билан қизиқишларига таъсир этмай қолмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда даврнинг энг долзарб масалалари билан шуғулланаётган ва ўз фаолиятлари билан аёлларнинг баъзи ижтимоий муаммоларини ечишда давлат органлари билан яқин ҳамкорлик қилаётган нодавлат нотажорат ташкилотлари жамиятда ўз ўрин ҳамда мавқеларига эга. «Истиқболли авлод» ахборот маърифат марказлари Ўзбекистоннинг 10 та вилоятида фаолият юритиб, ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум асосида одам савдосининг олдини олиш ва ундан жабрланган аёлларни реабилитация қилиш ишларини амалга оширмоқдалар. Булар: Тошкент шаҳри «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маърифат маркази, Андижонда «Меҳримиз сизга» аёллар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш маркази, Бухорода «Истиқболли авлод-Бухоро» ёшлар ахборот маърифат маркази, Жиззах «Истиқболли авлод» маркази, Нукус «Исеним» ахборот маърифат ресурс маркази, Самарқанд «Истиқболли авлод», Сирдарё «Истиқболли авлод», Сурхондарё «Истиқболли авлод» марказлари, Қашқадарё вилояти «Юксалиш» ннт ва Ургенч «Истиқбол» аёллар марказидир.

Ушбу ташкилотлар 2004 йилдан буён долзарб алоқа тармоғи ташкил этиб, ноқонуний миграция ва унинг салбий оқибатларидан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш мақсадида аҳоли орасида ахборот-профилактик ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Одам савдосига қарши қаратилган фаолият олдини олиш (профилактика), ортга қайтариш (репатриация),

жабрдийдаларни ижтимоий ҳимоя қилиш (реабилитация), уларни яна ижтимоий ҳаётга қайтариш (реинтеграция) каби қисмлардан иборат.

Олдини олиш жараёнида аҳолининг турли қатламлари орасида ахборот тарқатиш, ушбу мақсадда турли учрашувлар, суҳбатлар, семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш ишлари амалга оширилади. Айниқса аёллар, ўқувчи ва талаба қизлар билан ўтказиладиган суҳбат ва учрашувлар катта аҳамиятга эга. Чунки одам савдоси каби трансмиллий жиноятнинг жабрдийдаларини асосан аёллар ташкил этишади. Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган ННТлар қошидаги ишонч телефонлари орқали аҳолига ахборот ва консултациялар бериш ҳам муҳим таркибий қисм ҳисобланади.

Ортга қайтариш (репатриация) фаолияти ноқонуний миграция туфайли ўзга мамлакатларда қийин аҳволда қолган Ўзбекистон фуқаролари, айниқса аёлларни Ватанга қайтаришда Ўзбекистон Республикасининг шу давлатлардаги элчихоналари ва консулликлари билан ҳамкорликдан иборат. Бу жараёнда ННТлар жабрланган фуқароларнинг шахсини аниқловчи ҳужжатларни тайёрлашни тезлаштириш (жойлардаги ички ишлар бошқармалари паспорт бўлимларидан маълумотномалар, ўзини ўзи бошқариш органларидан турар жойи ҳақидаги маълумотларни тўплаш, қариндошлари билан алоқада бўлиб, янги ахборот тўплаш) ишларида фаоллик кўрсатадилар. Натижада айрим бюрократик жараёнларни четлаб ўтиш имконияти туғилади.

Жабрдийдаларни реабилитация қилиш фаолиятини уларни яна жамиятда ўз ўринларини топишларига, соғлом турмуш тарзини ташкил этишларига бериладиган ижтимоий ёрдам ташкил этади. Бу жараёнда ўзга давлатдан депортация қилинган (ўзга давлатнинг қонунларини бузганлиги учун шу давлатдан чиқариб юборилган) аёлларга биринчи навбатда психологик ёрдам берилади ва улар тиббий муассасаларга юбориладилар. Уларнинг оилавий муаммоларини ечишда (оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тиклашга, фарзандлар билан боғлиқ муаммоларни ечишга,

уй-жой масалалари, касбий йўналтириш, турли касб-хунар курсларида тахсил олишларига кўмаклашиш, ишга жойлаштириш ва б.) жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа ННТлар билан ҳамкорлик қилинади¹.

«Истиқболли авлод» ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва давлат ташкилотлари томонидан доимий равишда кўллаб-қувватлаб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 7 июлдаги ПҚ-911 сонли «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 1-илоvasи сифатида тасдиқланган 2008–2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича миллий тадбирлар режасининг 2-бўлим 5-бандида, 3-бўлим 2, 3-бандларида бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда «Истиқболли авлод» ННТларига ҳам аҳоли орасида профилактик ишлар олиб бориш, хорижга чиқадиган фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар ташкил қилиш, одам савдоси жиноятидан жабрланганларга ижтимоий ёрдам беришни ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланган².

«Истиқболли Авлод» Ёшлар ахборот маърифат маркази 2003 йилда ташкил топган бўлиб ҳозирги кунда «Марказий Осиёда одам савдосига қарши кураш» ва «Соғлом турмуш тарзи» ни тарғиб қилиш мавзулари бўйича ўзининг иш фаолиятини олиб бормоқда. 2013 йилда ташкилот ўзининг 10 йиллик юбилейини кенг кўламда нишоллади. Юбилей доирасида 25 декабр куни «Фуқаролик жамиятини ўрганиш ва уни мониторинг қилиш институти»нинг мажлислар залида ҳамкор ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган давра суҳбати давомида, Тошкент шаҳар «Истиқболли Авлод» Ёшлар ахборот маърифат марказининг вакиллари ҳам иштирок этиб ўзларининг янги «Peers Club» номли лойиха

¹ Ҳусейнова А. Фуқаролик институтлари фаолиятида аёллар масаласи. // www.huquqburch.uz

² Одам савдосига қарши курашиш бўйича асосий ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар / Ўзбекистон Республикаси ИИВ, «Истиқболли авлод» маркази. – Т., 2009. – Б. 98–102.

тақдимотини барча ННТ вакиллари эътиборига хавола этишди. Тақдимот сўнгида Тошкент вилоятида ишлаётган ННТ вакиллари, ўзларининг кўнгилли ёшлари учун жуда хам яхши иш қилгани ва кейинги ишларда ўзларининг амалий ёрдамларини аямасликларини билдириб ўтишди.

"Истиқболли авлод" ёшлар ахборот-маърифат маркази Тошкент шаҳрида икки йўналишдан иборат "Одам савдосига қарши курашиш" лойиҳасини амалга ошириб келаяпти. Биринчи йўналишга мувофиқ профилактика ишлари, яъни одам савдоси муаммосига қарши курашиш борасида мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида, маҳаллаларда тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилади. Иккинчи йўналишда эса одам савдосидан жабрланганларга бевосита ёрдам берилади. Жумладан, марказ турли ҳамкорлари билан биргаликда фуқароларимизни чет эллардан юртимизга қайтариш ва реабилитация қилишда бевосита иштирок этади.

Марказда одам савдосидан жабрланганларга, биринчи навбатда, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилади. Негаки, уларнинг аксарияти, айниқса, аёллар психологик ёрдамга мухтож бўлади. Тиббий ва рухий ёрдамдан кейин ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Сўнги пайтларда жабрланганларнинг мурожаатлари асосида кўплаб жиноятчиларга нисбатан қонуний чоралар кўрилган.

Масалан, Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи Солиҳа Акбарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) куёви Рамет Бобоевга ҳар гал ўн нафаргача қизни никоҳлаб бериб, уларни чет элга сотиш учун куёви билан мамлакатимиздан олиб чиқиб кетган. Қайнона-куёв Хоразмга қайтганларидан сўнг барча никоҳларни бекор қилдириб, янги "ўлжа"ларни қидиришга тушганлар. Уларнинг жирканч ишлари узоққа чўзилмади ва қонунбузарларга қилмишларига яраша жазо чоралари тайинланди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси билан шуғулланувчиларга нисбатан жазо тайинланиши ва жазонинг муддатлари қатъий белгилаб қўйилган. Жиноят кодексининг 241-моддасида

эса жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш ҳоллари рўй берганда тегишли жойларга хабар бермаган шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши кўрсатилган.

Одам савдосига қарши курашиш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди вазирлик ва идоралар олдига қатор вазифалар қўйилган. Олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари, семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, кўчаларга ўрнатилган огоҳлантирувчи баннерлар, буклетлар, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар, четга чиқиб кетаётган фуқароларимизга ахборот қўлланмаларининг тарқатилиши одам савдосига қарши курашиш юзасидан самарали ишлар амалга оширилаётганини кўрсатади.

Экспертларнинг фикрича, одам савдосига қарши курашда жиноятнинг олдини олиш, қонунчилик ҳамда жабрланувчиларни ҳимоя қилиш йўналишларида иш олиб борилса, кутилган натижага эришиш мумкин. Мамлакатимизда ушбу фаолият яхши йўлга қўйилгани боис, одам савдосига қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашда жамоат ташкилотларининг ролини яна ҳам ошириш муҳим аҳамиятга эга.

2.2. Одам савдосига қарши курашда халқаро ҳамкорлик

Кейинги йилларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жаҳон миқёсида жиддий ташвиш ва хавотирларни келтирмоқда. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида Европа давлатларида одам савдоси кескин ривожланди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, жаҳон иқтисодининг ривожланиши, транспорт тараққиёти, маҳаллий ва давлатлараро миграция жараёни одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг фаолияти авж олишига сабаб бўлди.

XX асрнинг 80-90-йилларига келиб уюшган трансмиллий жиноят сифатида одам савдоси дунё миқёсида долзарб муаммолардан бирига айланди. Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам кенгаймоқда.

Одам савдоси оқибатида жисмоний шахслар товарга айланадилар. Одамлар сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳады қилиш, топшириш учун объект бўлишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, улар жонсиз буюмларга тенглаштирилади. Жабрланувчилар асосан ўз юртидан бошқа давлатларга транзит қилиш, чегаралардан ўтказиш орқали сотиб юборилади. Бу иллатга қарши барча давлатлар ҳамкорликда фаолият юритишлари зарурлиги сабабли, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг кўп эътибор қаратаётган фаолият йўналишларидан бирига айланди. Айни шу иллатга қарши курашиш мақсадида БМТ одам савдосига қарши кураш ҳаракати борасида глобал режасини қабул қилди. Ҳужжатда замонавий қулликни йўқ қилиш мақсадида жаҳон ҳамжамияти уюшган жинойий гуруҳларни йўқ қилишда биргаликда курашиш кераклиги таъкидланади.

Афсуски, ҳозирча жаҳон ҳамжамияти одамсавдоси билан боғлиқ жирканч иллатнинг илдизини йўқ қилишга муваффақ бўлганича йўқ. Халқаро таҳлилчиларнинг сўзларига караганда, ҳар йили ер юзида 4 миллиондан ортиқ катта ёшдаги киши ўз хоҳишларига қарши ушланадилар, сотиладилар, сотиб олинадилар. XXI асрнинг шармандали кўриниши бўлмиш одам савдоси туфайли ҳар йили 10 миллион бола қулликка гирифтор бўлмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳар йили ўртача 2 миллионга яқин аёл қул сифатида сотилади. Россиялик ҳуқуқ химоячиларининг сўзларига караганда, биргина Россиядан ҳар йили 50 мингдан ортиқ ёш аёл хорижга олиб чиқилади. Уларнинг ярмидан кўпи 15 ёшга тўлмаган қизлар экани айтилади.

Маълумотларга кўра, ҳозир дунё бўйича тахминан 27 миллион киши одам савдоси туфайли қуллик ҳолатига тушиб қолган. Бу борада Непал, Судан, БАА, Ҳиндистон, Габон, Гаити каби давлатларда энг оғир ҳолатлар кузатилмоқда.

Бугунги кунда жиноий бизнес деб аталмиш одам савдоси кенг қамровли тус олгани боис мазкур иллат орқали топилаётган даромадлар ноқонуний қурол-яроғ ва олмос савдоси келтирадиган даромадларга тенглашди. Халқаро ҳамжамият маълумотларига кўра, ҳар йили одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноий гуруҳлар 32 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад топишади.

Маълумки, бундан 10 йил аввал БМТ томонидан одам савдосига тўсик қўйиш мақсадида ҳужжат қабул қилинган эди. Бу ҳужжатга кўра, одам савдоси оғир жиноят ва инсон ҳуқуқларининг қўпол суръатда бузилиши сифатида кўрилади. БМТ бош котиби Пан Ги Мун дунё мамлакатларига мурожаат қилар экан, одам савдосига қарши кураш жамғармасига ўз хиссаларини қўшишга чақирди.

Одам савдосидан дунёдаги бирор бир давлат четда қолаётгани йўқ. Яъни қайсидир давлатдан тирик товарлар олиб чиқилса, иккинчи давлатга одам савдоси қурбонлари етказиб берилади. Жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат, тиланчиликка мажбурлаш ва инсон органларини трансплантация қилиш мақсадида тирик одамларни сотиш одам савдоси дея аталмиш иллатнинг - замонавий қулликнинг кўринишидир.

Германиянинг Der Spiegel нашрига кўра, айти дамда Европа Иттифоқи мамлакатларида тахминан 880 000 киши мажбурий меҳнатга жалб қилинган. “Кўхна китъа”да 3600 халқаро уюшган жиноий гуруҳ фаолият юритаётир. Бу гуруҳлар бир йилда одам савдосидан 25 миллиард евро даромад кўрмоқда¹.

2013 йил 15 ноябрь куни Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси раиси - Бош прокурор Р.Х.Қодиров

¹ www.minjust.uz

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича махсус вакили Мария Грация Джиаммаринарони Ўзбекистонга ташрифи доирасида қабул қилди.

Учрашувда ЕХҲ ташкилотининг Ўзбекистондаги дастурлар координатори-элчи Дьерд Сабо, ЕХҲТнинг ташкилий масалалар бўйича вакили Мюриель Эвигнот ва жамоатчилик билан ишловчи вакили Альфред Купперслар, шунингдек Бош прокуратуранинг тегишли тармоқ раҳбарлари иштирок этишди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги вакилларига Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг бевосита раҳбарлигида давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди.

Учрашувдан кўзланган мақсадга кўра, республика ҳудудида одам савдосига қарши курашиш масалалари давлат ҳокимияти миқёсида ҳал этилаётганлиги айтиб ўтилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси одам савдосига қарши курашиш, жиноят оқибатида жабрланганларни ҳимоя қилиш ва шу турдаги жиноятларни содир этганларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари бўйича асосий халқаро ҳужжатларни ратификация қилган, бу борадаги халқаро стандартлар миллий қонунчиликка имплементация қилинмоқда.

2008 йилнинг апрель ойида қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун билан бу фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат идораларнинг вазифалари белгилаб берилди. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Бош прокурор раҳбарлигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилди.

Ҳаракат режалари асосида одам савдосига қарши курашиш, жабрланганларни реабилитация қилишнинг чоралари кўрилмоқда.

Йиғилишда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан Ўзбекистоннинг давлат идоралари томонидан ўзаро ҳамкорлик дастурлари асосида амалга оширилаётган ишлар одам савдосига қарши курашиш бўйича ўзини самарали натижаларини бериб келинаётганлиги таъкидланди. ЕХХТнинг Ўзбекистондаги координатори томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссия ишчи гуруҳини ва Олий ўқув курсларининг ресурс марказини керакли ускуналар билан таъминланиши комиссия ишини бир мунча мустаҳкамланишига имкон яратиб берди.

Ўзбекистоннинг бу борада амалга оширилаётган ишларига юқори баҳо берган ҳолда, М.Г.Джиаммаринаро хоним Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бу борада амалга оширилиши режалаштирилаётган ишларга ўзининг ёрдамини аямаслигини билдириб, дўстона руҳда ўтган қабул учун миннатдорчилик изҳор этди.

Икки томонлама ҳуқуқий ҳамкорликни мустаҳкамланишига катта хисса қўшган бу учрашув якунида ҳар иккала томон ҳам ўзларининг мамнуниятларини билдириб ўтишди.

Бош прокуратурада бўлиб ўтган қабулдан сўнг, М.Г.Джиаммаринаро Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказига ташриф буюрди. Реабилитация марказида одам савдосидан жабрланганларга кўрсатилаётган барча турдаги хизматлар ва яратилган шароитлар билан танишиб, М.Г.Джиаммаринаро бу борадаги ишларга юқори баҳо берди.

Шулар билан бир қаторда, ЕХХТ делегацияси Самарқанд вилоятининг одам савдосига қарши курашиш идоралараро комиссиянинг иш фаолияти билан ҳам танишди

Афсуски, жамиятимизда ўз ўрнини топа олмай, ўзгалар фикри ва фитналарига алданиб қолаётган аёллар ҳам учраб туради. Маълумки, одам савдоси, гиёҳвандлик, фоҳишалик, фирибгарлик каби иллатлар ҳамон учраб

турибди. Одам савдоси билан қонунбузарлик фақат бир жинойтни ўз ичига олмайди. Ахир жинойтчининг ҳаракатларида жабрланувчининг номусига тегиш, унинг баданига турли даражада шикаст етказиш, фирибгарлик, одам ўғирлаш, шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштириш, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш каби жинойтлар таркиби бўлиши мумкин. Бу эса, ушбу жинойтчиликка қарши курашадиган прокуратура, суд-тергов органларидан жинойт ишларини батафсил ўрганиб чиқишлари ҳамда тегишли суриштирув ва тергов амалиётларини ўтказишлари лозимлигини тақозо этади.

Очиқ тан олиш керак, одам савдоси билан боғлиқ жинойтларнинг деярли 40 фоизга яқини аёллар томонидан содир этилмоқда. Демак, бу борада қилиниши лозим бўладиган ишлар етарли. Ахир қонунбузарлар ўз жирканч фаолиятларини кўпчилик назаридан яшириб юра олмайдилар. Наҳотки уларга танбеҳ бериш, тартибга чақириб қўйиш ёки тегишли идораларга мурожаат этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини билмасак. Ахир одам савдоси қурбонига айланишдан ҳеч ким кафолатланмаган.

Шубҳасиз, кўп ҳолларда одам савдосининг олдини олишда энг ишончли восита аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя чораларини кўришдир. Бироқ кўп ҳолларда, айниқса, ёшларимиз, аёлларимизнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари, хорижда осон ва мўмай пул топиш мумкинлиги ҳақидаги фитналарга ишонувчанлиги ҳам бундай тарздаги қонунбузарлик ва жинойтлар содир бўлишига олиб келмоқда. Кейинги йилларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг одам савдосига, гиёҳвандлик, фоҳишалик, фирибгарликка қарши олиб борилаётган режали кураши ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида бир ярим мингга яқин Ўзбекистон фуқароси одам савдоси қурбони бўлган. “Халқ сўзи” газетаси

айни маълумотни Ўзбекистон бош прокурори Рашидjon Қодиров матбуотга маълум қилганлиги ҳақида ёзади. Ўзбекистон фуқаролари асосан, Бирлашган Араб мамлакатлари, Қозоғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия ва Жанубий Корея жинсий эксплуатация учун сотилар экан¹.

“Халқ сўзи” газетасининг ёзишича, Ўзбекистон бош прокурори Рашидjon Қодиров траффик қурбони бўлаётганларнинг асосий қисми эркаклар эканлигини ва улар аоссан Россия ва Қозоғистонда қул ўрнида ишлатилаётганлигини билдирган. Жорий йилда 1283 нафар эркак одам савдосидан азият чекканлиги аниқланган.

Чинозлик беш нафар эркак ҳам бир аёлнинг ваъдасига ишониб Қозоғистоннинг Қизил Ўрда шаҳрида 25 кун давомида қул ўрнида ишлашга мажбур бўлишди. Улар орасида икки ўғли билан бирга Ахрор Жумазов ҳам бор.

“Чиноз туманилик Ким Вика исмли аёл бизларни алдаб Қизил Ўрда шаҳрига борасизлар деди. Биз унга ишондик. Ишлашингизга қараб 300.000, 350.000 пул берамиз деди”.

Ўзбекистон бош прокуратураси маълумотига кўра, жорий йилда одам савдоси билан боғлиқ 436 та жиноий иш кўзгатилиб, 339 нафар одам жиноий жавобгарликка тортилган. Траффик қурбонлари орасида эркаклар билан биргаликда 28 нафар вояга етмаган болалар ва 166 нафар аёллар ҳам бўлган².

Ўзбекистон Бош прокуратурасининг нашри бўлган “Ҳуқуқ” газетасининг ёзишича, биргина Жиззах вилоятида жорий йилнинг 8 ойи мобайнида одам савдоси билан боғлиқ 17 ҳолат аниқланиб, улар юзасидан ҳозиргача 13 та жиноят иши кўзгатирилган. Яқинда Жиззахлик 20 нафар эркак Қозоғистонга бориб қуллик нималигини ўз бошидан кечириб қайтишди. Жиззахнинг Зарбдор шаҳарчасида яшовчи Ўрол ака 2000 АҚШ доллари

¹ www.xs.uz

² www.xs.uz

миқдорида меҳнат ҳақларини олишмаган бўлсада кулликдан қутилганига шукур қилади.

“Иқтисодий жиҳатдан қийналганимиз учун берилган катта ваъдаларга ишониб борган эдик. Бола-чақамизга кийим қиламизми, ғалла сотиб олишга пул қиламиз деб борган эдик. Бизга 3 маҳал иссиқ овқат ваъда қилган эди. Нонсиз, овқатсиз ишлатиб, ошқозон касалига дучор бўлиб келдик. Макарондан бошқа нарса еганимиз йўқ. Роса дўппослашарди. Қочиб кетадиган бўлсанг, ўлигингни Ўзбекистондан келиб ҳеч ким олиб кета олмайди, деган гапларни айтишган. Кечқурунлари қозоқлар билан гуруҳ бўлиб келиб тепкилаб кетишарди”.

Ўзбек эркаклари кул ўрнида мажбурий меҳнатга жалб қилинса, ўзбек аёлларидан жинсий эксплуатация ўрнида фойдаланиш ҳолатлари кузатилади.

Москвадаги “Фуқаровий кўмак” ташкилоти ходими Баҳром Ҳамроев Россияда ҳам ўзбек қизларининг фоҳишалик учун мажбурий сотилиш ҳолатлари кўплиги ҳақида гапиради.

“Ҳозир ўзбек қизлари жуда кўп. Ҳатто Москвани марказида ўзбек фоҳиша қизларини сотадиган гуруҳлар пайдо бўлган. Уларни жуда кўпчилиги асосан алдаб олиб келинади. Уларни паспортларини олиб қўйиб уларни мажбуран фоҳишалikka олиб чиқишади”¹.

Ўзбекистон расмийлари хорижга кетаётган фуқароларнинг мушкул вазиятларга тушишларига сабаб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари эканлигини таъкидлашади.

Кузатувчи Тўрабек Сано эса бу ҳолатда ҳукуматнинг ўзини айблар экан, Ўзбекистон фуқароларининг кулликка тушиб қолишига мамлакатдаги иқтисодий муаммолар сабаб бўлаётганлигини айтади.

“Ишсизлик муаммоси ўзбекларни кул бўлиб қолишига, мажбурий меҳнатга жалб этилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда умуман иш йўқ.

¹ Шамсиева Д. Одам савдоси – мудъиш жиноят.// <http://www.minjust.uz>

Қолаверса, ўзбек миллатининг бошқа танлаш йўли қолмаган. Яъни, ўзбек миллати бошқа юртларда мардикорлик қилмоқда. Бу эса уларнинг охири-оқибат қулликка тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Одам савдосидан энг катта азоб чекаётганлар ўзбек аёлларидир. Қолаверса, Россия ва Қозоғистонда мардикорлик қилиб азоб чекаётган ўзбек мардикорларидир. Ўзбек мардикорларини аҳволини ўнглаш учун Ўзбекистонда ҳаммасини нольдан бошлаш керак. Одам савдосига қарши курашиш учун авваламбор Ўзбекистонни ўзида ислохот ўтказиш керак”¹.

Жорий йилда Ўзбекистон одам савдосига қарши халқаро конвенцияни ратификация қилди. Ўзбекистон фуқароларини ҳимоялаш учун парламент томонидан “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш учун 2008-2010, 2011-2015 йилларга мўлжалланган миллий дастур ишлаб чиқилган.

¹ Шамсиева Д. Одам савдоси – мудъиш жиноят.// <http://www.minjust.uz>

3-БОБ. ҲОЗИРГИ КУНДА “ОДАМ САВДОСИ” ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

3.1.Одам савдоси олдини олишда оиланинг ўрни

Мамлакатимиз фуқароларининг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришларига тўсқинлик қилаётган омилларидан бири, одам савдоси – ХХІ асрда глобал муаммога айланиб, бутун инсониятга қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Одамдан эксплуатация қилиш мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларни бизнинг мамлакатимизда ривожланиш тенденцияси бундай ижтимоий хавфли қилмиш охир оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солмоқда.

Бугунги кунда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг юридик, ташкилий, ўқув-тарбиявий ва халқаро ҳуқуқий асослари яратилган бир шароитда инсон тақдирига бўлган эътибор жамиятимиз келажаги, унинг тараққиётига ўз таъсирини кўрсатадиган ҳолатдир.

Маълумки, жиноятчиликка қарши курашнинг ҳар қандай шакллари замирида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ётиши лозим. Бу борада илмий асосланган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини тақозо этмоқда. Бунда, доимий равишда амалиёт ўрганилиши, ер куррасининг турли минтақаларида ва умуман жаҳон мамлакатларида жиноятчиликка таъсир ўтказиш чора-тадбирлари соҳасида фойдаланиш мезонлари белгиланиши мумкин.

Барча ижтимоий субъектлар (давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маданият, таълим, фан, тарбия муассасалари, шу жумладан оила, микромуҳит ва ҳ.к.)нинг имкониятларидан ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш воситалари (усуллари, чора-тадбирлари)дан фойдаланиш ҳолати ҳамда унинг истиқболларини теран таҳлил қилиш лозим. Жамият бу борада ўз «захиралари»га эга.

Криминологияда виктимликни ўрганиш ва унинг олдини олиш вазифаси ҳам алоҳида диққатга сазовор. Бу ерда жиноятларнинг барча турлари бўйича теран таҳлил ҳамда виктимликнинг олдини олиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар зарур. Бунда жиноятлардан жабрланганларнинг пассив хулқ-атвори сабабларини ўрганиш ва аниқлаш, уларни тизимга солиш ва таснифлаш мақсадга мувофиқдир¹.

Шу ўринда одам савдоси жиноятининг олдини олиш борасида ҳам бир қатор ташкилий – ҳуқуқий ва кенг қамровли амалий ишлар амалга оширилиб келаётганлигини таъкидлаш мумкин. Шу жумладан, жиноят кўп содир этилаётган туман ва шаҳарларда жиноят жабрланувчиларини, шунингдек, фоҳишалик қилиш ёки шаҳвоний мақсадларда ишлаш учун бошқа давлатга кетиш истагидаги аёлларни аниқлаш, улар билан тушунтириш ишларини олиб бориш, чет давлатларда фоҳишабозлик, кўшмачилик билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, ҳар бир жиноят иши бўйича жиноятнинг келиб чиқишига сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиб, таҳлил қилиб бориш, одам савдоси жабрланувчилари бўлган аёллар, эркаклар, вояга етмаганлар ва болаларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида маълумотлар йиғиш, аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни келтиришимиз мумкин.

¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. // Масъул муҳаррир ю.ф.д. проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т., 2008. Б.305

Одамлар савдоси ва эксплуатацияси механизмлари каби мавзулар бўйича таҳлилий фаолиятни такомиллаштириш, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида айбланувчилар ва жабрланувчилар фаолият кўрсатган меҳнат жамоаларида, улар яшаган маҳаллаларда профилактика йўналишида йиғилишлар ўтказиб туриш, одам савдосининг олдини олиш ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар бир вилоятда ихтисослашган реабилитация марказлар ташкил этиш, чет элларга бориб ишлашни хоҳлаётган шахслар билан тушунтирув ишларини ўтказиш, айниқса аёлларнинг ёши, оилавий шароити, чиқиш сабабларини ўрганиш ва ушбу жиноят жабрланувчиларини соғлом ҳаётга қайтариш борасидаги ишлар учун маънавий-маърифий тадбирларни ва жабрланувчиларни иш билан таъминланишини маҳалла жамоатчилиги назорати остига олиш, ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг рухсатномаси билан меҳнат контракти асосида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси

фуқаролари ишга жойлашиш чораларини такомиллаштириш ва назорат қилиб бориш, жабрланувчиларига етказилган маънавий ва моддий зарарни айбланувчилардан ундириб бериш, ва ниҳоят кенг оммани жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг оқибатлари ҳақида матбуотда, телевидение ва радио орқали хабардор қилиб бориш амалиётини янада такомиллаштириш, вояга етмаганлар жиноят қурбони бўлишини олдини олиш мақсадида мактаб ва лицейларда ўқув курслари ташкил этиш ҳақидаги тавсияларни ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин.¹

Одам савдоси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг қатор устувор чора-тадбирларнинг орасига қуйидагилар ҳам киритилган:

¹ Қурбонов Н. Одам савдоси жиноятига қарши курашиш муаммолари. // Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишни ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2009. – Б.86

1. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахборот билан таъминланишини ошириш. Хусусан, хорижга чиқиш ҳужжатларини тайёрлашда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари мансабдор шахслари хорижга чиқувчилар ўртасида ушбу қонунбузарликларни олдини олиш учун тушунтириш ишларини олиб борадилар.

Бундай ишлар доирасида аҳоли одам савдоси ва ташриф буюрган давлатларида фоҳишабозлик ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар билан шуғулланмаслик ҳақида огоҳлантирилади. Бундан ташқари, аҳолини мавзуга оид ахборотлар билан таъминлашида, қулликни замонавий кўринишига жалб қилинишининг олдини олишда аҳоли ўртасида кенг кўламли ишларни амалга оширувчи давлат ва нодавлат институтлари муҳим ўрин тутди.

2. Ёшларнинг ахлоқий тарбияси даражасини ошириш (одам савдоси билан шуғулланувчилар олдида заиф, яъни ишонувчан бўлган фуқароларнинг айти шу тоифаси таваккал қилувчиларнинг гуруҳига киради), мустақил фикрловчи ва ҳаётга комил ишонч билан қаровчи ёшларни тарбиялаш зарур. Шунга кўра:

– фоҳишабозлик, порнография, гиёҳвандлик, алкоголизм, тамаки истеъмоли ва шу каби иллатларга қарши кураш бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш;

– маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш (масалан, кўргазма ёки театр);

– спорт тўғаракларини ташкиллаштириш, ўқув юртларида спорт мусобақаларни ўтказиш ва бошқалар орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

Бугунги кунда айти йўналишдаги кенг кўламли ишларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Оила» илмий-амалий маркази ва оммавий ахборот воситалари амалга оширолмақдалар.

3. Оиладаги келишмовчиликлар ва жанжаллар, кўп ҳолларда аёлларнинг нафақат уйдан кетиб қолиши, балки, давлатдан чиқиб кетишига сабаб бўлмақда. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида оилада аёлнинг ўрни, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳурмат қилиниши, инсонни зўрлаш ҳолатларига йўл қўймаслик лозимлиги масалаларига бағишлаб турли тадбирлар (семинарлар, мунозара клублари, давра суҳбатлари) ташкил этилмақда. Зеро, кўплаб ҳолларда оиладаги келишмовчиликларнинг олдини олиш муаммоси жамиятнинг муносабати билан чамбарчас боғлиқдир¹.

Бироқ, ушбу ва бошқа амалга оширилаётган ташкилий ва амалий тадбирларга қарамай, ҳанузгача ушбу жирканч ҳодисаларнинг бизнинг жамиятимизда давом этиб келиши ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириб борилишини талаб этади.

Бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай ноҳуш воқеаларнинг олдини олиш глобал аҳамиятини йўқотмаган. Чунки одам савдоси инсон, унинг шаъни, кадр-қимматига дахл қилувчи, унинг инсоний ҳуқуқларини поймол қилувчи ва бугунги кунда чегара билмас даражада барча ҳудудларни қамраб олувчи умумжаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланади. Айниқса, мазкур жиноят бошқа трансмиллий жиноятларнинг янада кенг ёйилиши учун шароит яратмақда.

Ломброзо ўзининг янги тадқиқоти – «Жиноят, унинг сабаблари ва даволаш воситалари» асарида жиноятчилик омилларининг катта бир тизимини ривожлантирди. Ушбу тадқиқотга ёзган қисқа сўзбошисида у шундай дейди: «Ҳар қандай жиноятга жуда кўп омиллар сабаб бўлади».

¹ Ҳайдаров Ш.Д. Одам савдосини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари: Илмий- амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2009. – Б.146.

Ломброзо ушбу тадқиқотида жиноятчиликнинг ҳар хил омилларини аниқлайди ва кўп омилли жиноятчилик йўналишига қадам қўяди².

Шуни эсда тутишимиз лозимки, ҳар қандай жиноятчи ҳам, жабрланувчи ҳам инсон ва ҳар қандай инсон каби улар ҳам қандайдир оилада, жамиятда дунёга келган. Уларнинг ҳуқуқбузарликлар объекти ёки субъектига айланиб қолишига сиёсий-ижтимоий, руҳий-психологик, маданий-маънавий ва шу кабилардир сабаб бўлган. Бунда уларнинг тарбияси, атроф-муҳит ва ижтимоий муносабатлар ҳақидаги билимлари бўйича ўзига хос дунё қараши, инсоний қадриятлар ва маданий маънавияти шаклланади. Шунинг учун, инсон оилада пайдо бўлишидан бошлаб, мустақил ҳаётга киришгунгача тарбия ва таълим муҳим аҳамият касб этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Бизнинг ҳаётимиз келажаги, эзгулик йўлида бунёдкорлик ишларининг давомчиси саналган, ўсиб келаётган авлодга боғлиқ. Шунинг учун, миллий маънавиятимиз қирраларини келажак авлодимизда мукамал шакллантириш ва юксалтириш учун барчамиз масъул эканлигимиз Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – енгил мас куч» асарида ҳам ўз тасдиғини топиб, узлуксиз таълим тизимида ёшларга инсон миллат, давлатнинг барқарорлиги, тараққиётга эришиш ва бу йўлдаги қийинчиликларни енгишда энг ҳал қилувчи куч ва таянч нуқта юксак маънавият, айти пайтда юксак маънавият – енгилмас куч, жамият тараққиётининг асосий воситаларидан бири ва инсон камолотининг йўлчи юлдузи эканлиги жўшқин ёритилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган барча ишлар ёшларимизнинг бахт-саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Бунинг учун оила соғлом бўлиши зарур. Оила соғлом бўлсагина – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат

² Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик // Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф.М.Х. Рустамбоев. – Т., 2008.

барқарордир. Бунда албатта, оила ва маҳалланинг роли ҳам муҳимдир. Бекорга ота-боболаримиз «Маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни айтишмаган.

Таълим – тарбиянинг узвий боғлиқлиги маънавиятни шакллантиришда муҳим ҳаётий омил. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Ана шунинг учун ҳам биз бу ҳақда фикр юритар эканмиз Абдулла Авлониининг «Тарбия биз учун ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган фикри ёдимизга тушади.

Миллатнинг маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ҳақида гапирадиган билсак, оилада инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар билан яхшилик, ор-номус, эзгулик, олижаноблик, андиша ва меҳр-оқибат каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори қарор топиши табиийдир. «... Шунинг учун ҳам, айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш, ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизи оила маънавий оламини ташкил этади»¹, – деган юртбошимиз Ислом Каримов.

Тарбияси оғир ўсмир – бу ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашга муҳтож бўлган вояга етмаган шахс. Уни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш мазкур шахсни жиноятчига айланишининг олдини олиш, шунингдек унинг жамият билан нормал алоқаларини тиклаш, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:Маънавият, 2008

Тарбияси оғир ўсмирга жуда тўғри, хайрихоҳ муносабатда бўлиш, унинг потенциал имкониятларига ишонч билдириш муҳим. Оила болалар ҳаёти ва хулқ-атвори учун масъул педагогик марказга айланиши лозим. Оилада ҳуқуқбузарликни профилактика қилишнинг зарарли таъсир манбалари ўз вақтида бартараф этилмаса, улар болани ижтимоий беқарорликнинг навбатдаги босқичига ўтишига сабабчи бўлади. Бу босқич ўсмирнинг оиладаги, мактабдаги, ишдаги муносабатлари янада ёмонлашуви, у ижтимоий жиҳатдан ижобий муҳитдан узоқлашиши билан тавсифланади.

Оиладаги назоратсизлик ўсмирда масъулиятсизлик ва бошбошдоқлик туйғусини мустаҳкамлайди. Дастлабки ҳуқуқбузарликларнинг жазосизлиги қонун талабларига беписандлик, атрофдагилар фикри билан ҳисоблашмаслик одатини ривожлантиради. Агар жиноий хулқ-атвор генезисининг биринчи босқичида оилада тегишли чоралар кўрилмаса, бу ўсмирнинг ғайриижтимоий мойилликларини янада чуқурлаштиради.

Оиланинг барқарорлиги – оила ота-она ва барча аъзоларининг бир бирига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром, меҳр-оқибат, ҳамдиллик ва ҳамфикрлик, жонкуярлик каби ҳиссиётли муносабатларда бўлиш, беқарор оилаларнинг салбий таъсирини нейтраллаштириш, муҳтож ўсмирларга жамоат ёрдамини кўрсатиш, вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш, ўсмирлар дам олишини оқилона ташкил этиш, болалар қонунларга риоя этиши устидан назорат олиб бориш ва ҳоказоларни назарда тутати ва оилани мустаҳкамлайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шу жумладан, одам савдоси жиноятларига қарши курашда мустаҳкам оиланинг ўрни муҳим жойларнинг бирини эгаллайди ва унинг олдида қуйидаги асосий вазифаларни белгилайди:

– ёшларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда миллий тарбия модулини яратиш;

– ёшларда маънавий таъминланганликни шакллантириш ҳамда инсон манфаатларининг халқ, миллат, давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлигини таъминлаш;

– маънавият инсоннинг улғайиши ва маънавий юксалишда, албатта, мустақилликнинг зарурлигини, маънавиятимизга ҳар қандай таҳдид ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид эканлигини, ушбу таҳдидларга қарши курашишга доимо ҳушёр туриш зарурлигини, маънавий баркамол, ғоявий курашчан инсон Ватанимиз тараққиётининг пойдевори эканлигини талабаларга тушунтириш лозим;

– оилада ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқий савия ва ҳуқуқий маданиятни доимий равишда оширишга қаратилган чораларни кўриш лозим.

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда куллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифатини кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, 2012 йил Ўзбекистон Республикасида «Мустаҳкам оила йили» деб ва муносабати билан Президентимизнинг 2011 йил 13 декабрдаги фармойиши билан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури эълон қилинди.

«Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан

ҳолда, куйидагилар «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб куйидагилар белгиланди:

– бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш

ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

– ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

– жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш;

– оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбия- лашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

– «Соғлом она – соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

– жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш,

жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

– жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оиланинг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

3.2. Ёшлар тарбияси ва одам савдоси

XXI аср умумбашариятга техника асри бўлиб келди. Ҳақиқатан ҳам турмушимизнинг қайси жабҳасига назар ташламайлик, техник имкониятлардан кенг фойдаланмоқдамиз. Техниген ривожланиш асрида вужудга келган кўплаб муаммолар одамзотни ташвишга солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, инсоният ҳаётини хавф остига қўяётган одам савдоси бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Таъкидлаш муҳимки, одам савдоси билан боғлиқ муаммолар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Унга барҳам бериш мақсадида юртимизда бир қанча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда. Мамлакатимизда 2008 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, 2008 йилни 8 июлида эса Президентнинг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 911-сонли Қарори қабул қилинди. Бунга кўра, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссия ташкил этилиб, унинг аъзолари томонидан 2014 йилда “Одам савдоси-давр муаммоси” тарғибот концепциясини ишлаб чиқилди. Концепция давлатимиз раҳбарининг 2014

йил 6 февралдаги “�збекистон Республикасида ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида илгари сурилган ғояларга ҳамоҳанг бўлиб, ёшларнинг мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари учун шарт-шароит яратади. Бинобарин, мамлакатимизда жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал салоҳияти баланд, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳар қандай вазиятда тўғри йўл топа оладиган авлодни тарбиялаш учун оила-маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги тизими яратилиб, бу жараёнга кенг жамоатчилик жалб этилган.

Турли коллежларни битирувчи ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилиб, бундан унумли фойдаланиб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги фармонида айтилганидек: “Ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устивор вазифаларидан биридир”. Бугун ёшларимиз интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳар куни дунё миқёсидаги ранг-баранг ахборотларни қабул қилмоқда.

Биз эркин демократик жамият қуриш ниятида эканмиз, ёшларимизга ниманидир кўришни ёки эшитишни таъқиқлай олмаймиз. Лекин, айти пайтда, фарзандларимизни “Оммавий маданият” ниқоби остида тарқатилаётган уларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган ахлоқсизлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғоялари таъсиридан асраб авайлашимиз зарур. Агар уларни ана шу иллатлар таъсиридан ҳимоя қила олмас эканмиз, ўсиб келаётган авлод “одам савдосидек” иллатнинг домига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу муаммо инсоннинг нафақат жисмоний кучини, балки унинг руҳияти, дунёқарашини пасайтириб, ҳаттоки маънавий кадриятлардан узоқлаштиради. Айрим шахслар содда

юртдошларимизни бойлик орттириш, мўмай даромод тўланадиган ишларга жойлаб қўйишни ваъда қилиб, Россия, Туркия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амириклари, Тайланд, Сингапур давлатларига ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетиб, сотиб юбормоқдалар. Бу миллатимиз учун катта фожиадир. Айниқса, бу ачинарли воқеаларга ёшлар ва аёлларнинг аралашганини асло кечириб бўлмайди. Мамлакатимизнинг ўзида ишлаб, пул топиш, фаровон яшаш имконияти бўлатуриб, ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратилаётган бир пайтда уларнинг хорижга йўл олиши, хўрланиши, қул қилиб сотилиши ҳеч биримизнинг ғуруримизга, миллатимизнинг маънавий қадриятларига тўғри келмайди. Хўш, нима учун юртдошларимиз “одам савдоси” домига тушиб қолмоқдалар?

Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, фуқароларимизнинг ушбу жиноят қурбонига айланишининг бир неча сабаблари бор:

- одамларимизнинг содда ва ишонувчан;
- тез вақт ичида моддий муаммолаларни ҳал этиш илинжи;
- енгил иш топиш орзуси;
- ҳуқуқий билимларга эга бўлмаслик;
- айрим нопок ҳамюртларимизнинг ғайриинсоний ва ғайриқонуний ҳаракатлар орқали даромад топиши;
- жиноятдан жабрланганларнинг оддий дунёқарашининг торлиги, саёзлиги;
- аҳоли ўртасида етарли даражада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг худудий филиаллари, туман ва шаҳарлардаги Саломатлик марказлари, даволаш-профилактика муассасалари тиббий ходимлари ҳамкорлигида 2014 йилда «Одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари» мавзусида аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бордилар. Жумладан,

2014 йилда 74 мингдан зиёд тадбир ўтказилиб, бунда 782 мингдан ортиқ аҳоли қатнашди. Телевидение орқали 100дан ортиқ кўрсатув ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилган бўлса, марказий ва ҳудудий нашрларда мутахассисларнинг 150 дан ортиқ мақолалари чоп этилди. Вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва “Огоҳ бўлинг одам савдоси” мавзуларида ҳам 54 миндан зиёд тадбирлар ўтказилиб, ушбу тадбирларда 698 мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. 400га яқин радиосухбат эфирга узатилди, 30 га яқин рўзномаларда мақолалар чоп этилди. Жорий йилда ҳам одам савдосига қарши кураш бўйича кўплаб ишларни режалаштирганмиз.

Аҳоли турар жойларида, маҳаллаларда, жамоат ташкилотлари, таълим муассасаларида одам савдоси ва унинг асоратлари ҳамда унинг олдини олишда ҳуқуқий ва тиббий билимларининг аҳамияти мавзуларига қаратилган маъруза, давра суҳбатлари ҳамда семинарлар ташкил этиб келинмоқда¹.

Ишонч телефонлари орқали аҳоли ўзи учун керакли бўлган маълумотлардан хабардор бўлмоқда. Булардан ташқари, «Фирибгарнинг тузоғига илинманг», «Боши берк кўчага кириб қолманг», “Одам савдосидан эҳтиё бўлинг” каби мавзуларда буклет ва плакатлар, тарқатма материаллар тайёрланиб, аҳолига тарқатилиб келинмоқда.

Хорижий давлатларга бориб, оғир мусибатларни бошидан ўтказиб қайтаётган инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил ноябр ойидаги қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази очилди. Марказда одам савдосидан жабр кўрганларни соғлом ҳаёт тарзига қайтариш борасида психологик, ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу ерда уларнинг соғлиғи ва руҳий ҳолати тўла текширувдан ўтказилиб, зарур ёрдам кўрсатилади. Соғлиқни сақлаш

¹ <http://sixat-salomatlik.uz/uz/tadbiri/budte-bditelny-torgovlya-lyudmi>

вазирлигининг тегишли кўрсатмасига асосан, марказга юборилаётганлар бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилади. Шундан кейин яшаш жойи бўйича диспансер назорати йўлга қўйилади.

Ҳаёти барбод бўлган, соғлиғидан айрилган, қадр-қиммати поймол этилган жабрдийдаларни ўз бағрига олиб, уларга ғамхўрлик кўрсатувчи марказнинг ташкил этилгани бу муаммога мамлакатимизда нечоғли эътибор қаратилганидан далолатдир.

Шуни унутмаслик керакки, чет элда ишлашни ҳоҳлаганлар учун қонуний тартиб-қоидалар мавжуд, фақат шундан фойдаланган фуқароларгина ўз ҳаётини хавф остига қўймайди. Чет элда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари:

Чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг амалдаги тартиб-қоидалари, ишга жойлашиш имкониятлари тўғрисида маълумотлар олиш, Корея Республикаси, Россия Федерацияси ва бошқа чет давлатларда меҳнат қилишнинг тартиблари тўғрисида маслаҳатлар олиш, шунингдек, турли шубҳали жисмоний ёки юридик шахслар томонидан билдирилаётган таклифларга аниқлик киритиш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига учрашишлари лозим.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Инсоннинг нечоғлик қадри баланд ва улуг мавжудот эканлиги маълум. У табиат бойликларидан лаззатланиши, соғ-саломат, кучли ва ақлли бўлиши учун, ўзини-ўзи асраб авайлаши, ҳимоя қилиши ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши лозим. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида хавфсизлигимизга ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлигимизга раҳна солувчи иллатлардан бири бўлган одам савдоси – бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Зеро, Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, "Бизнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборат. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида, "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир"¹, - деб эътироф этилган. Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жаҳон ҳамжамятида жиддий ташвиш ва хавотирларни келтирмоқда. Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари муштарак. Яъни, енгил йўл билан даромад топиш истагида жиноят содир этиш – икки тоифадаги одамларни ҳам ҳалокат домига тортмоқда.

Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2003.

шунчалик кенгаймоқда. Орадан йиллар ўтган сари одам савдосига қарши кураш дунёнинг барча мамлакатларида амалда бўлмасин, бу муаммо бизни ҳозирги кунда ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда.

Айни пайтда, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу жиноят тури дунё миқёсида кенг тарқалган. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий ҳулосаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларни ташкил қилмоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланди. 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг ҳамда 2008 йилнинг 8 июлида "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга янада самарали тадбиқ этилмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссиянинг кенг фаолият юритиши, жиноятчиларни фош этиш ва жиноят қурбонларини ҳимоялаш ва уларга ёрдам кўрсатиш масалаларини янада такомиллаштириб, уни амалиётга кенг тадбиқ этган ҳолда, халқаро миқёсда амалга оширсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада "Истикболли авлод" ёшлар ахборот

маърифат маркази ходимлари ва кўнгилчилари (волонтерлар) нинг ёшлар орасида кенг миқёсда маърифий тушунтириш ишлари олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Айниқса, чекка қишлоқларда тадбирларни нафақат маҳалла йиғинлари ва посбонлар ўртасида, балки ёш йигит-қизлар ўртасида ана шу маҳалла йиғинлари ходимлари ва посбонлар иштирокида ўтказиш лозимдир.

Тавсиялар

Одам савдоси профилактикаси бўйича мактабларда ўсмирлар учун энг яхши оммавий тадбирлар рўйхати (“Яхши ҳаётни излаб” лойиҳаси доирасида)

1. Ёшлар спектакли “Ҳаёт битта...Ўйлаб кўр!”
(Мактаб ўқувчиларини жалб қилган ҳолда қўйилган.)
2. “Ҳаёт, ҳаёт ва яна ҳаёт!” концерт дастури
3. Юқори синф ўқувчилари, коллеж ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасидаги сўров. Одам савдоси мавзусига бағишланган иншолар ва расмлар танлови.
4. “Одамлар трафиги. Театрлаштирилган сахна кўриниши.
5. Маънавият соатлари. Одам савдоси профилактикасига бағишланган очик дарс.
6. Маънавий соатларда тарғибот гуруҳларининг чиқишлари.
7. “Кўркувсиз ва зулмсиз ҳаёт – ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир”
8. Ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари иштирокида “думалоқ стол атрофида” суҳбат.
9. “Тўғриси танила!” мунозараси. Аҳоли бандлиги маркази вакиллари иштирокида. Телевидение мухбирлари иштирокида.
10. Одам савдоси бўйича юқори синф ўқувчилари ўртасида сўров.

11. Психологлар иштирокида “Тўғри қарорни қабул қилишнинг психологик аспекти” мавзусида очик дарс.

12. Нолегал миграция мавзусида очик дарс. 7 синф ўқувчилари иштирокида.

13. Интерфаол технологияларни қўллаган ҳолда семинар ўтказиш.

14. Оммавий акция. Шаҳар кўчаларида трафик, одам савдоси муаммолари ҳақидаги ахборотлар ёзилган флаерларни тарқатиш. Волонтерлар иштирокида.

15. Ёшлар одам савдосига қарши!” бадиий театрлаштирилган тадбир ва концерт.

“Одам савдоси олдини олиш” мавзусида тренинг

Олиб бориладиган жойи: академик лицей ва коллежлар

Ҳамкорлар: “Истиқболли авлод” ЁАММ, ҳуқуқ тартибот органлари вакиллари

Мақсад:

Одам савдосига қарши кураш бўйича Ўзбекистон қонунчилиги бўйича билимларни чуқурлаштириш

Одам савдосининг барча салбий оқибатларини кўрсатиш

Ҳаётий вазиятларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилиш йўлларини излаб топишга ўргатиш

Ёшларда одамларни қулликка тушиши сабаблари ва оқибатлари тўғрисидаги аниқ асаввурларни шакллантириш.

Қўйилган саволларга биргаликда жавоб топишга рағбатлантириш, мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Дунёқарашларини кенгайтириш, фаол ҳаётий мақсадни шакллантириш.

Асосий тушунчалар: одам савдоси, жабрдийда, мажбурий меҳнат, куллик.

Тадбирнинг бориши

I. Кириш қисми. Танишиш. Мавзу эълон қилинади ва тренинг мақсадлари билан таништирилади. Слайд намойиш этилади. Иштирокчилар тадбирни ўтказиш усуллари билан танишадилар.

II. Суҳбат «XXI асрда одам савдоси». БМТ баҳоларига кўра, жаҳонда ҳар йили 4 млн.га яқин одамларни давлатлар чегарасидан ўтказиб, куллик меҳнатларида фойдаланадилар.

БМТнинг одам савдосига қарши кураш ҳақидаги конвенциялари 1904,1910,1921,1933,1949 йилларда қабул қилинган.

Ўзбекистонда ҳам қарор қабул қилинган бўлиб, жиноий кодексга тегишли ўзгартиришлар киритилган.

Европа Иттифоқининг ҳам алоҳида конвенцияси чиқарилган.

III. Машқ “Тўрға илинмаслик учун...”. Иштирокчилар орасидан 2 та энг фаоли танлаб олинади. Улар варақларга саволга жавобни ёзадилар.

Топширик: «Одамни сотаётганларнинг кўриниши қандай?» (Танлаб олинган иштирокчилар жавобларни ёзгунича, аудитория билан саволлар муҳокама қилинади). Аудитория 3та микрогуруҳга бўлинади. Бу гуруҳлар ким тезроқ жавоб беради тарзида мусобақа уюштиришади:

1. Одам савдоси тушунчасини таърифланг

2 Одам савдоси жараёни занжирини тузинг

Саволлар муҳокама қилиб бўлингач, алоҳида ишлаган ўқувчиларнинг жавоблари эшитилади.

IV. Ролли ўйин «Мени ишонтир».

Ҳар бир микрогуруҳ одамларни сотувчининг таклифига қандай сабаблар розилик билдиришга мажбур қилишини аниқлайди. Бу сабаблардан фойдаланиб, бошловчига хорижда ишлашга рози бўлишни таклиф этишади. Бошловчи “жабрдийда” ролини ўйнайди, микрогуруҳлар иштирокчилари эса одам сотувчилари ролини бажаришади. Савол: “Жабрдийдани хорижга кетиш ҳақидаги қарорни қабул қилишга қандай ишонтириш мумкин?»

V. Машқ «Вазиятлар» (Микрогуруҳларда ишлаш. Иштирокчилар карточкаларда топшириқларни оладилар. Тасодифий йўловчи томонидан иш таклиф қилиниши вазияти, нолегал ишга ёллаш, хорижга ишга таклиф қилиш вазияти).

VI. Эвристик суҳбат «Агар мен ишлашни хоҳласам»

Бошловчи тренинг иштирокчилари билан бирга хорижда ишлашни ёки ўқишни истаётганлар учун маслаҳатлар рўйхатини тузади.

VII. Якуний суҳбат. «Одам савдосининг жабрдийдаси (қурбони) бўлганларга ёрдам».

VIII. Тренинг якунлари. Хулосалар.

Тавсия қилинадиган адабиёт:

Бакка Т. Методические рекомендации к проведению в общеобразовательных учебных заведениях урока по предупреждению торговли людьми /Т. Бакка — М.: «К.И.С.», 2010. — 52 с.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қонунчилик ҳужжатлари, Президент асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш – давр талаби // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ҳамжиҳатлик ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 350–351.
3. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – Б. 349–350.
4. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётмизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. // Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабрь.
5. Одам савдосига қарши курашиш бўйича асосий ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар / Ўзбекистон Республикаси ИИВ, «Истиқболли авлод» маркази. – Т., 2009. – Б. 98–102

2. Адабиётлар, қўлланмалар

6. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. // Масъул муҳаррир ю.ф.д. проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т., 2008.
7. Бакка Т. Методические рекомендации к проведению в общеобразовательных учебных заведениях урока по предупреждению торговли людьми /Т. Бакка — М.: «К.И.С.», 2010. — 52 с.
8. Беляева Л.И. Проблемы уголовно-правовой оценки торговли людьми // Соблюдение прав и свобод личности в деятельности органов внутренних дел; Материалы научно-практического семинара (19—21 марта 2001 г.). М., 2001

9. Журавлев С.Ю. Взаимодействие государственных органов и негосударственных организаций в сфере борьбы с торговлей людьми и использованием рабского труда // Они тоже хотели счастья: Научно-методический сборник. Н.Новгород: Изд-во Волго-Вятской академии государственной службы, 2006. С. 49—59.
10. Лебедев Д. В. Торговля женщинами с целью их сексуальной эксплуатации как вид организованной преступной деятельности// Права граждан, правоохранительная и правоприменительная деятельность с России и Украине: состояние и перспективы развития: Материалы международной научно-практической конференции адъюнктов, аспирантов и магистров. Вып. 1. Белгород, 2003
11. Справочник по проблемам предотвращения торговли женщинами для консультантов «Телефонов доверия». Киев, 1999. Вып. 4.
12. Основы борьбы с организованной преступностью. - М.: Инфра-М, 2004
13. Ўзбекистон аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари. Маълумотнома. – Т., 2000.

3. Тўплам, газета, интернет мақолалари

14. Машарипова Г., Абдуллаев Т. Одам савдоси –трансмиллий жиноят. // <http://fikir.uz/posts/>
15. Раҳматуллаев Т. Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши...ми?// “Хуррият” газетаси.2005-йил, 23-феврал сони
16. Сатторов Ж. Одам савдоси- инсон эркинлигига таҳдид. // Huquq. 27.03.2014
17. Шамсиева Д. Одам савдоси – мудҳиш жиноят.// <http://www.minjust.uz>
18. Ҳусейнова А. Фуқаролик институтлари фаолиятида аёллар масаласи. // www.huquqburch.uz
- 19.Қурбонов Н. Одам савдоси жиноятига қарши курашиш муаммолари. // Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишни ҳуқуқий

муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2009. – Б.86

20. *Ҳайдаров Ш.Д.* Одам савдосини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари: Илмий- амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2009.

4. Интернет сайтлари, бошқа ҳужжатлар

21. http://www.greek.ru/immigration/news/news_detail.php?ID=3624
22. <http://www.kodeks.ru/noframe/kioz?d&nd=901949582>
23. <http://www.crime.vl.ru/index.php?p=1295&more=1&c=1&tb=1&pb=1>
24. АҚШ Ҳукумати Ҳисоботлари (06/29/2011).
http://uzbek.uzbekistan.usembassy.gov/tip2011_uz.html
25. <http://www.migratie.md/antitraffic/ru.html>
26. www.fikr.uz
27. www.huquqburch.uz
28. <http://www.huquq-gazeta.uz>
29. www.hidoyat.uz
30. www.sharx.uz
31. <http://www.minjust.uz>
32. <http://sixat-salomatlik.uz/uz/tadbiri/budte-bditelny-torgovlya-lyudmi>
33. www.xs.uz
34. <http://ia.uz/uz/ogoh-buling-odam-savdosi>
35. <http://zaryasurxana.uz/?p=88>
36. ISTIQBOLLI AVLOD» Ёшлар ахборот-маърифат маркази флаерлари
37. Республика реабилитация маркази флаери
38. ИИБ флаери

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қарори
ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон,
268-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» 2008 йил 17 апрелдаги Қонунига мувофиқ ҳамда одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2008—2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари 2008—2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасига киритилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

3. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси 2-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Республика Идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

одам савдосига қарши курашиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосига имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш;

одам савдоси кўлами, ҳолати ва тенденциялари тўғрисида ахборот тўплаш ва таҳлил этиш;

худудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш масалалари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш.

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

4. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлари барча вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, жамоат ташкилотлари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан бажарилиши шарт.

* 3-илова рус тилидаги матнда берилган.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари одам савдосига қарши курашиш бўйича худудий идоралараро комиссияларни тузсин ва фаолиятини ташкил этсин.

Белгилаб қўйилсинки, одам савдосига қарши курашиш бўйича худудий идоралараро комиссияларга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилик қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, ушбу муассасалар томонидан одам савдосида жабр кўрганларни ижтимоий жиҳатдан тиклаш ишларини амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин ҳамда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Б. Абдуллаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

2008 йил 8 июль,

ПҚ-911-сон

